

**2021 ЙИЛГИ МАВСУМДА ЎЗБЕКИСТОН  
ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛ ЛИГАСИ  
ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН  
МУСОБАҚАЛАР РЕГЛАМЕНТИ**

**UZBEKISTAN  
PROFESSIONAL FOOTBALL  
LEAGUE**

Мазкур Регламент (бундан буён — Регламент) Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси Ижроия қўмитасининг 2021 йил 11 февралдаги ийғилишида маъқулланган. Ушбу Регламент Ўзбекистонда профессионал ва ярим профессионал футбол клублари ўртасидаги 2021 йилги мусобақаларни ўтказишнинг шартлари ва низомларини белгиловчи, ФИФА, ОФК, ЎФА ва ЎзПФЛ уставлари ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатdir.



<b>1-боб.</b> Умумий қоидалар.....	8
<b>2-боб.</b> Мусобақаларнинг мақсад ва вазифалари.....	8
<b>3-боб.</b> Мусобақаларни бошқариш.....	8
<b>4-боб.</b> Мусобақалар ўтказиладиган жой.....	9
<b>5-боб.</b> Маркетинг, ҳомийлик ва мусобақаларни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар.....	9
<b>6-боб.</b> Мерчендайзинг.....	13
<b>7-боб.</b> Футбол клубларининг мусобақаларда иштирок этиши учун молиявий шартлар.....	13
<b>8-боб.</b> Мусобақада иштирок этиш шартлари.....	15
<b>9-боб.</b> Мусобақалар ҳужжатлари ва уларни расмийлаштириш тартиби.....	17
<b>10-боб.</b> Футболчилар билан тузилган меҳнат шартномаларини рўйхатга олиш тартиби.....	18
<b>11-боб.</b> Хорижлик футболчилар ва мутахассисларни рўйхатдан ўтказиш учун алоҳида шартлар.....	19
<b>12-боб.</b> ЎзПФЛ рўйхатидан ўтган футболчиларнинг мусобақалардаги иштирокини тартибга солиш.....	20
<b>13-боб.</b> ЎзПФЛ комиссарининг Мусобақалардаги фаолияти.....	21
<b>14-боб.</b> Мусобақаларда ҳакамлик қилиш.....	22
<b>15-боб.</b> Мусобақаларда назоратчилик қилиш.....	24
<b>16-боб.</b> Ҳакамлар қарорига шикоят ёки эътиroz бериш тартиби.....	25
<b>17-боб.</b> Футбол учрашувларини ўтказиш тартиби.....	26
<b>18-боб.</b> Футбол клублари, клублар раҳбарлари ва футболчиларнинг мажбурияти.....	30
<b>19-боб.</b> Мусобақа иштирокчиларининг либосларига қўйиладиган талаблар..	33
<b>20-боб.</b> Футбол клубларининг ОАВ билан ишлашига оид талаблар.....	34
<b>21-боб.</b> Лига мусобақаларини ўтказиш формати.....	34
<b>22-боб.</b> Кубок мусобақаларини ўтказиш формати.....	36
<b>23-боб.</b> Мусобақа ғолибларини аниқлаш.....	38
<b>24-боб.</b> Мусобақа ғолибларини тақдирлаш.....	39

## Тўлиқ ва қисқа номлар — атамалар таърифи

### Мусобақаларни бошқариш

ФИФА	Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси
ОФК	Осие футбол конфедерацияси
ЎФА	Ўзбекистон футбол ассоциацияси
ЎФА маъмурияти	ЎФА президенти, вице-президентлари, ЎФА бош котиби
ЎзПФЛ	Ўзбекистон профессионал футбол лигаси
ЎзПФЛ маъмурияти	ЎзПФЛ бош директори, ЎзПФЛ бош директорининг ўринбосари, Мусобақалар ўтказиш бўлими бошлиғи, Лицензиялаш бўлими бошлиғи, Клубларни ривожлантириш бўлими бошлиғи
ҲИҚ	ЎФАнинг Ҳакамлик-инспекторлик қўмитаси
ЭҚ	ЎФАнинг Этика қўмитаси
ТИҚ	ЎФАнинг Тартиб-интизом қўмитаси
ФМТҚ	ЎФАнинг Футболчиларнинг мақоми ва трансфери бўйича қўмитаси
НҲП	Низоларни ҳал қилиш палатаси
ҲА	ЎФА Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий ассоциациялари
РЎО	ЎзПФЛнинг рўйхатдан ўтказувчи органи

### Мусобақа иштирокчилари

ПФК	Профессионал футбол клуби
ЯПФК	Ярим профессионал футбол клуби
ҲФК	Ҳаваскор футбол клуби
ФА	Футбол академияси
ФММ	Футбол маҳорат мактаби
БўФМ	Болалар-ўсмиirlар футбол мактаби
БўСМ	Болалар-ўсмиirlар спорт мактаби

### Мусобақалар

Мусобақалар	Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси томонидан ўтказиладиган барча мусобақалар
Суперлига	Ўзбекистон профессионал футбол клубларининг олий тоифали мусобақаси
U-21	U-21 чемпионати (Суперлига клублари қошидаги ёшлар жамоалари)
U-18	U-18 чемпионати (Суперлига ва Про лига клублари қошидаги ёшлар жамоалари)

U-16	ОФК Лицензиялаш талабига асосан лиценция талабгорлари ўртасида ўтказиладиган чемпионат
U-14	ОФК Лицензиялаш талабига асосан лиценция талабгорлари ўртасида ўтказиладиган чемпионат
Про лига	Ўзбекистон профессионал футбол клубларининг биринчи тоифали мусобақаси
Биринчи лига	Ўзбекистон профессионал ва ярим профессионал футбол клублари иштирокидаги мусобақа
Ўзбекистон кубоги	Суперлига, Про лига ва Биринчи лига клублари иштирокидаги мусобақа
Суперкубок	Олий тоифали мусобақа ғолиби ва Ўзбекистон кубогининг амалдаги ғолиби ўртасида ўтадиган мавсумолди учрашуви
Ўзбекистон Лига кубоги	Профессионал футбол клублари иштирокидаги халқаро мусобақа
Аёллар мусобақалари	Аёллар жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон чемпионати (Олий лигаси) ва биринчилиги (Биринчи лигаси), Ўзбекистон кубоги ҳамда U-16 чемпионати
Учрашув	ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган мусобақалардаги расмий ўйинлар
<b>Расмийлар</b>	
Учрашув комиссари	ЎзПФЛ томонидан учрашувнинг ташкил этилиши ва ўтказилишини назорат қилиш учун тайинланган шахс
ЎзПФЛнинг ҳудудий вакили	ЎзПФЛ билан шартнома асосида фаолият олиб борувчи ҳудудлардаги мутахассис
Учрашув инспектори	ЎФА томонидан тайинланган ва учрашув давомида ҳакамларни баҳолаб борадиган шахс
Футбол ҳаками	ЎФА томонидан футбол ўйини қоидалари ва тартибга солувчи бошқа ҳужжатларга мувофиқ учрашувни назорат қилиш ва бошқариш учун тайинланган шахс
VAR	Видео ёрдамчи ҳакам
Стадион расмийси	Учрашув ўтадиган стадион учун жавобгар шахс
Клуб расмийси	Учрашув вақтида клуб учун жавобгар шахс

Хавфсизлик учун масъул	Ички ишлар, Миллий гвардия, ФВВ ходимлари, шунингдек, клубнинг хавфсизлик бўйича офицери, стадион стюардлари
Маҳаллий координатор	ҲА масъул ходими
	<b>Бошқа атамалар</b>
Меҳнат шартномасини рўйхатга олиш	Клубга тегишли футболчи ёки расмий шахсларни мусобақаларда иштирок этиши учун меҳнат шартномасини рўйхатдан ўтказиш жараёни
Трансфер	Футболчининг ўтиши (трансфери) деганда унинг мусобақаларда иштирок этишига рухсат берилиши билан якунланган бир клубдан бошқасига ўтиши
Трансфер шартномаси	Футболчининг ўтиш тартиби, муддати ва шартлари (шу жумладан, харажатларни қоплаш шартномаси мавжудлигига футболчиларнинг ўқитилиши, тайёрланиши, маҳоратини такомиллаштириши учун сарфланган харажатларни тўлаш)ни белгиловчи, футбол клублари ёки футбол клуби ва спорт мактаби ўртасида тузиладиган икки томонлама келишув
Трансфер ойнаси	Футбол клубининг футболчини сотиб олиши ёки сотиши, шунингдек, ижарага бериши ёки олиши амалга ошадиган давр
ХТС Ижара шартномаси	Халқаро трансфер сертификати
Футболчининг ижараси	Икки клуб ва футболчи ўртасида тузиладиган, ўтишнинг тартиби, муддати ва шартлари (шу жумладан, тўловлар)ни белгилайдиган уч томонлама шартнома
	Футболчининг ижараси деганда клуб билан шартнома тузган футболчининг бошқа клубга қўйидаги шартлар асосида вақтинчалик ўйнаш учун ўтиши назарда тутилади:
	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ўтиш пайтида футболчи ва у муайян вақтга тарқ этмоқчи бўлган клуб ўртасида кейинроқ ҳам давом этадиган шартноманинг мавжудлиги, бу шартнома футболчини бошқа футбол клубида вақтинчалик ўйнаганидан сўнг</li> </ul>

	<p>томонларнинг меҳнат муносабатларини қайта тиклаш ихтиёри борлигидан далолат беради;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• футболчи янги клубга ўтишига қадар амалдаги меҳнат шартномасига эга бўлган клубига футболчининг тарбияланиши учун сарфланган харажатлар қопланиши ҳуқуқининг сақлаб қолиниши</li> </ul>
Спорт мавсуми	календарь йили доирасида расмий мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва бевосита мусобақалар вақтини ўз ичига олган давр. Мусобақалар даври ЎзПФЛ қатнашчилари ўртасида ўtkазиладиган биринчи расмий учрашув кунидан бошланади ва охирги расмий учрашув куни билан якунланади.
Трансферларни рўйхатга олиш даври	Футболчининг келгуси ёки жорий мусобақаларда иштирок этиши учун у клубдан бу клубга ўтиши мумкин бўлган давр
Легионер	Ўзбекистон футбол клубига ишлаш учун таклиф этилган чет эл фуқароси
Хорижий мутахассис	Ўзбекистон футбол клубига ишлаш учун таклиф этилган хориж фуқароси
Маҳаллий футболчи	Жамоа шарафини ҳимоя қилаётган вилоятда доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтган футболчи
Воситачи (учинчи шахс, агент)	Футболчининг бир клубдан иккинчисига трасфери амалга ошаётганда унинг ҳуқуқларини ҳимоя қиласидиган ёки футболчининг амалдаги шартномаси якунига этиб бораётган вақтда унинг келгуси режалари юзасидан музокарага киришиши мумкин бўлган, шу футболчи билан қонуний ёзма келишуви мавжуд бўлган шахс.

## 1-боб. Умумий қоидалар

Мазкур Регламент Суперлига, Про лига, Биринчи лига, Ўзбекистон кубоги, Лига кубоги, U-21, U-18, U-16, U-14 чемпионатлари, аёллар Олий ва Биринчи лигаси, аёллар ўртасида Ўзбекистон кубоги, аёллар ўртасида U-16 чемпионати, эркаклар ва аёллар Суперкубоги каби мусобақаларни (кейинги ўринларда — Мусобақалар) ўтказиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон футбол ассоциацияси, професионал ва ярим професионал футбол клублари ёки бошқа ташкилотларнинг таклифи билан ҳам алоҳида мусобақалар ўтказилиши мумкин. Мазкур Мусобақалар ЎзПФЛ бош директори билан келишилган низом асосида ўтказилади.

Мазкур Регламент икки — ўзбек ва рус тилларида чоп этилган. Икки тил ўртасида эҳтимолий тафовут вужудга келса, у ҳолда ўзбек тилида ёзилган қисми устувор ҳисобланади.

## 2-боб. Мусобақаларнинг мақсад ва вазифалари

**2.1.** Мусобақаларнинг мақсадлари ва вазифалари қўйидагиларни:

- Ўзбекистон футболини ривожлантириш йўлида миллий чемпионат ўйинларини професионал даражада ташкил этиш;
- Ўзбекистон футболчиларининг маҳорат даражасини ошириш;
- Ўзбекистонлик ёш футболчиларнинг маҳорат даражасини ошириш ҳамда уларнинг “катта” футболга кириб келишлари механизмини такомиллаштириш;
- Ўзбекистон терма жамоалари ва професионал футбол клубларини халқаро мусобақалар: жаҳон чемпионатлари, Осиё Кубоги, Олимпия ўйинлари, Осиё ўйинлари, ОФК Чемпионлар лигасида иштирок этиши учун тайёрлаш ва муваффақиятли иштирок этишига кўмаклашиш;
- Футбол мухлисларининг ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш;
- Ўзбекистон футболини тарғиб этиш ва шу йўл орқали ўзбекистонлик футболчиларнинг чет эл клублари назарига тушиши учун ҳаракат қилиш;
- ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган Мусобақаларда ғолибларни аниқлаш;
- ОФК мусобақаларида иштирок этадиган клубларни аниқлашни назарда тутади.

## 3-боб. Мусобақаларни бошқариш

**3.1.** Мусобақаларни бошқариш, ташкил этиш ва ўтказилишини назорат қилиш ЎзПФЛ томонидан амалга оширилади.

**3.2.** Иккинчи лига мусобақаси ҳамда Иккинчи лигадан Биринчи лигага ўтиш ўйинларини бошқариш, ташкил этиш ва ўтказишни назорат қилиш ЎФА томонидан амалга оширилади.

**3.3.** Мусобақалар ушбу Регламент, шунингдек, ФИФА, ОФК, ЎФА, ЎзПФЛ томонидан тасдиқланган мазкур Регламентга киритилган қўшимчалар, маҳсус низомлар ва иловалар асосида ўтказилади.

#### **4-боб. Мусобақалар ўтказиладиган жой**

**4.1.** Мусобақалар Лицензиялаш бўйича Регламент асосида ишлаб чиқилган “Стадионлар тўғрисидаги низом”га мувофиқ ЎзПФЛ томонидан рухсат этилган стадионларда ўтказилади.

**4.2.** Мусобақаларда иштирок этувчи клублар ўз стадионига эга бўлмаса ҳамда уй учрашувини ўтказиш учун бошқа ташкилотга қарашли стадион билан шартнома тузиш мажбурияти юзага келса, у ҳолда мазкур шартнома ЎзПФЛ иштироқида уч томонлама тузилиши шарт.

**4.3.** Форс-мажор ҳолатида Мусобақа ўтказиш учун стадионни ўзгартиришга тўғри келса, мезбон клубга ЎзПФЛ билан уч томонлама келишувга эришган стадионлардан бирида учрашувни ўтказишга рухсат берилади.

**4.4.** Мусобақа ўтадиган кундан бир кун аввал мезбон клуб ЎзПФЛ комиссарига стадионнинг ўйинга тайёргарлиги тўғрисида далолатнома тақдим этади.

#### **5-боб. Маркетинг, ҳомийлик ва мусобақаларни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар**

**5.1.** ЎзПФЛ ўз юрисдикцияси остида бўлган Мусобақалар ва барча бошқа тадбирлар билан боғлиқ ҳуқуқларга, уларнинг мазмуни, вақти, жойи бўйича қонунчиликка оид бирор-бир чекловларсиз эгалик қиласи. Ушбу ҳуқуқлар, жумладан, молиявий ҳуқуқларнинг ҳар қандай турлари, ҳар қандай шакл (тўғридан-тўғри эфир, ёзув ёки видеолавҳалар)да ёзилган аудиовизуал ва радиоёзувларга нисбатан ҳуқуқлар, ижро этиш ва эфирга узатиш, мультимедиа ҳуқуқлари, маркетинг ва реклама ҳуқуқлари, шунингдек, эмблема ёки муаллифлик ҳуқуқида келиб чиқувчи интеллектуал мулк ҳуқуқларини ўз ичига олади.

**5.2.** ЎзПФЛнинг мусобақалар билан боғлиқ тижорат ва телевизион ҳуқуқларига шу жумладан:

- ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган Мусобақалар расмий ҳомийлари (шу жумладан, бош ҳомий) ва ҳамкорлар билан ишлаш ва шартномалар тузиш;

- Мусобақаларнинг ЎзПФЛ томонидан тасдиқланган номланишлари, логотипи ва бошқа расмий белгиларидан реклама, тижорат мақсадларида фойдаланиш;
- телевизион ҳуқуқлар, учрашувлардан тўла ҳажмда ва ҳар қандай техник усулларда жой ва мазмуни бўйича ҳеч қандай чекловларсиз телевизион сигнални ишлаб чиқариш ва бутун дунёга узатиш, трансляция лавҳаларидан информацион дастурларда, ҳафталик шарҳларда ва бошқа дастурларда фойдаланиш, ҳар бир учрашувнинг трансляциясини интернетда жойлаштириш учун фойдаланиш ҳуқуқи;
- Мусобақаларда иштирок этувчи клублар ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш учун бош ахборот ҳамкор, телерадиоузатувчилар ёки бошқа ташкилотлар билан музокаралар олиб бориш ваколатини ЎзПФЛга топширади;
- учрашувларни эфирга узатиш ҳуқуқини қўлга киритган телерадиоузатувчилар мусобақа бош ҳомийси ва расмий ҳамкорлар реклама роликларини эфирга жойлаштиришлари шарт. Реклама роликларини узатиш тартиби ЎзПФЛнинг “Тижорат Регламенти” билан белгиланади;
- радио ҳуқуқлар – учрашувлар радио сигналини ишлаб чиқиш ва бутун дунёга барча диапазонларда мазмун бўйича ҳеч қандай чекловларсиз узатиш ҳуқуқи;
- визуал ҳуқуқлар – учрашув давомида маълумот сақловчи манбалардан ва стадиондаги визуал ҳудуддан, шу жумладан, телевизион камералар кўрадиган зоналардан реклама ва информацион материалларни жойлаштириш учун фойдаланиш (тегишли стадионнинг футбол майдонининг периметри бўйлаб реклама қурилмаларида, футболчилар ва ҳакамлар либосларида шевронлар кўринишида, захирадаги футболчиларнинг ўриндиқларида визуал рекламани жойлаштириш ҳуқуқи), жумладан, тегишли стадионнинг электрон-информацион таблосида ҳамда бошқа ахборот манбаларида визуал рекламани жойлаштириш ҳуқуқи;
- учрашув давомида стадионда аудиорекламани жойлаштириш ҳуқуқи;
- телефон алоқаси орқали sms-трансляция олиб бориш ҳуқуқи;
- интернет телевидение – тадбирларнинг видео ва/ёки аудиосини қисмлари TCP/IP протоколи асосида битта манзил майдони орқали мантиқий равишда ўзаро боғланган глобал ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда эфир орқали, кабель орқали омма эътиборига ҳавола қилиш, оммавий намойиш этиш, тарқатиш.
- беттинг – спорт ўйинларига пул тикилувчи (азарт ўйинлар, интерфаол букмекерлик конторалари, тотализаторлар, спорт мусобақалари бўйича


гаров) маҳсус интернет сайтлар, мобил иловаларда интернет орқали кириш имкониятини бериш ва мобил алоқа орқали, шунингдек, тасвирни ва/ёки аудиони тарқатишнинг қонун билан тақиқланмаган бошқа ҳар қандай усуслари орқали спорт мусобақалари видеотрансляциясини амалга ошириш.

- учрашувдан кейинги матбуот анжумани, клуб футболчилари ва расмий шахслар билан ўтказиладиган флеш-интервью материалларидан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқи;
- мерчендайзинг маҳсулотларини намойиш қилиш, бепул тарқатиш ва сотиш ҳуқуқи (учрашувда мезбонлик қиладиган клуб билан келишилган равиша), шунингдек, мусобақанинг расмий ҳомий/ҳамкорлари номидан стадионда маҳсус совринларни эълон қилиш ҳуқуқи;
- ўйин майдонининг периметри бўйлаб реклама тўсиқларининг қўйида келтирилган сонидан келиб чиқиб мусобақанинг бош ҳомийси ва расмий ҳамкорлари логотiplари ҳамда бошқа маълумотларини жойлаштириш учун фойдаланиш ҳуқуқи. Бунда реклама тўсиқлари майдон ўлчамидан келиб чиқсан ҳолда умумий сони 43 тадан кам бўлмаслиги талаб этилади. Суперлигда шуларнинг 23 таси (1-расм), Про лигада эса 37 таси (2-расм) ЎзПФЛ ҳомий/ҳамкорлари учун ажратиласди. Клуб томонидан фойдаланиладиган реклама тўсиқларининг сонини кўпайтириш масаласи шартли равиша ЎзПФЛ билан тижорий асосда келишилади;
- электрон реклама тўсиқлари мавжуд ҳолларда Суперлига ва Про лиганинг бош ҳомийси ва расмий ҳамкорлари логотiplари ҳамда бошқа маълумотларини жойлаштириш тартиби режаси ЎзПФЛ томонидан белгиланади. Бунда электрон реклама тўсиқларидағи намойиш Суперлига учун 50 фоиз миқдорда, Про лига учун 90 фоиз миқдорда ЎзПФЛ ҳомий/ҳамкорлари учун тақдим этилади;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ФИФА, ОФК ва ЎФА томонидан белгиланган қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

**5.3.** Ушбу ҳуқуқларни эксклюзив асосда ёки учинчи томон билан ҳамкорликда ёки тўлалигича учинчи томон воситачилигида амалга оширилиши ҳақидаги қарор фақат ЎзПФЛ томонидан қабул қилинади. Тижорат ва телевизион ҳуқуқлардан фойдаланишга оид барча масалалар мусобақа иштирокчилари учун ижро этилиши мажбурий бўлган ЎзПФЛнинг “Тижорат Регламенти” билан белгиланади.

**5.4.** Футбол клуби учрашув ўтказадиган стадион майдонининг икки дарвозаси ортида ҳамда майдоннинг марказий қисмида ЎзПФЛ ҳомийларининг рекламасини жойлаштириш учун реклама тўсиқлари билан таъминлаши шарт:

**Суперлига учун реклама түсікіларининг тақсимланиш схемаси**




\*ҮзПФЛ томонидан фойдаланылмаган реклама түсікілари клублар томонидан фойдаланиши мүмкін.

\*Реклама түсікілари хажми - 1м\*6м

\*Реклама түсікілари майдонга нисбатан 90° даражада бурчак остида туриши лозим.

1-расм

**Про лига учун реклама түсікіларининг тақсимланиш схемаси**



\*ҮзПФЛ томонидан фойдаланылмаган реклама түсікілари клублар томонидан фойдаланиши мүмкін.

\*Реклама түсікілари хажми - 1м\*6м

\*Реклама түсікілари майдонга нисбатан 90° даражада бурчак остида туриши лозим.

2-расм

**5.5.** Ҳисоб ва вақт намойиш этиладиган катта экранда ЎзПФЛ ҳомийларининг товар белгиси намойиш этилиши таъминланиши керак.

**5.6.** Учрашув ўтказилиши билан боғлиқ барча босма материалларда, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари, чипталар, ахборотномалар, афиша ва веб-сайтларда расмий ҳомийларга тегишли ахборот жойлаштирилиши шарт.

**5.7.** Мавсум стартидан олдин клуб ўзи ҳамкорлик қилаётган ва истиқболли ҳомийлар ҳақидаги маълумотларни (компаниянинг юридик номи, ишлаб чиқариш соҳаси, асосий фаолияти) ЎзПФЛга тақдим этиши шарт.

**5.8.** Учрашувлар вақтида стадион ҳудудидан жой оладиган ҳомийлар ҳақидаги ҳар қандай реклама-ахборот тусига эга материал ЎзПФЛ маркетинг бўлими билан расмий келишилган бўлиши лозим.

**5.9.** Мусобақа титул ҳомийси эксклюзив ҳуқуқларга эга бўлиб, ЎзПФЛ титул ҳомий талабига кўра мазкур ташкилотга рақобатдош бўлган бошқа ташкилотлар билан боғлиқ рекламаларни телетрансляциялар вақтида ҳамда майдон периметри бўйлаб кўрсатишни тақиқлаш ҳуқуқига эга.

**5.10.** Регламентнинг маркетинг соҳаси ва тегишли маркетинг ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ бирор-бир бандига риоя қилмаган клубга нисбатан молиявий интизомийchorалар кўрилади.

**5.11.** ЎзПФЛ ҳомийлари мусобақаларга ҳомийлик қилиш бўйича қўйган шартлар ЎзПФЛнинг “Тижорат Регламенти” асосида тартибга солинади.

## 6-боб. Мерчендайзинг

**6.1.** Футбол клублари мерчендайзинг маҳсулотлари (клубнинг рамзлари туширилган сувенир маҳсулотлари)ни ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга. Агар маҳсулотни бевосита ишлаб чиқариш олдидан унда ЎзПФЛ логотипи ёки ҳомийларига тегишли жойлар бўлса, аксессуарлар эскизи ва дизайнни ЎзПФЛ маркетинг бўлимига тасдиқлаш учун тақдим этилиши лозим.

**6.2.** Мусобақалар иштирокчилари янги мавсум олдидан ўз мадҳияси ва рамзига (маскот) эга бўлиши тавсия этилади.

**6.3.** Футбол клубидан футбол мавсуми бошлангунга қадар ўз стадионида клуб атрибуллари сотиладиган савдо шахобчасини ташкил этиши шарт.

## 7-боб. Футбол клубларининг мусобақаларда иштирок этиши учун молиявий шартлар

**7.1.** Футбол клублари ЎзПФЛ мусобақаларида қатнашиш учун белгиланган миқдорда қатнашчилик бадал пулини (кейинги ўринларда –

бадал) тўлаб бериши керак. Қатнашчилик бадали миқдори ЎзПФЛ Ижроия қўмитаси томонидан белгиланади.

ЎзПФЛнинг аёллар футболини ривожлантириш дастури асосида аёллар жамоалари барча мусобақалар учун қатнашчилик бадали тўловидан озод этилади.

**7.2.** Мусобақаларда иштирок этувчи футбол клублари учрашувларни ташкил этиш билан боғлиқ барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олади.

**7.3.** Мезбон клублар мусобақаларда фаолият олиб борувчи ҳакамлар бригадаси, назоратчилар ҳамда комиссарлар учун икки томонлама йўлкира, яшаш ва овқатланиш билан боғлиқ харажатлар тўловини ўз зиммасига олади. Мазкур тўловлар ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

**7.4.** Агар клуб мусобақа иштирокчилари таркибидан чиқарилган бўлса, у томонидан аввал амалга оширилган бадал тўловлари қайтарилмайди. Шунингдек, иштирокчилар таркибидан чиқарилган клубнинг бадал пулидан қолган қарздорлиги тўлиқ тўлаб берилмагунича, мазкур клуб ЎФА ҳамда ЎзПФЛ томонидан ташкил этиладиган мусобақаларда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

**7.5.** ЎзПФЛ ўзи ташкил этаётган мусобақаларда фаолият олиб борувчи барча ҳакамлар, назоратчилар ҳамда комиссарлар хизмати учун тўловларни зиммасига олади ҳамда нақдсиз тўлов орқали амалга оширади.

**7.6.** Мусобақаларда фаолият олиб борувчи расмий шахслар хизмати учун тўловлар ЎзПФЛ Ижроия қўмитаси томонидан белгиланади.

**7.7.** ЎзПФЛ қатнашчилик бадали ҳисобидан Мусобақаларни ўтказиш бўйича барча сарф-харажатлар ҳамда ташкилот фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни қоплайди. Мавсум якунида ЎзПФЛ ўз аъзоларига харажатлар юзасидан молиявий ҳисбот тақдим этади.

**7.8.** Суперкубок, шунингдек, Ўзбекистон кубоги ва Лига кубоги мусобақаларининг финал учрашувларида фаолият олиб борувчи расмийлар учун икки томонлама йўлкира, яшаш ва овқатланиш билан боғлиқ харажатлар ЎзПФЛ ҳисобидан амалга оширилади. Мазкур учрашувларда фаолият олиб борган расмийлар учун хизмат тўловлари Суперлига учрашувлари учун белгиланган тўловлар миқдорида амалга оширилади.

Шунингдек, Мусобақа марказлашган ҳолатда ўтказилган тақдирда учрашувларида фаолият олиб борувчи расмийлар учун икки томонлама йўлкира, яшаш ва овқатланиш билан боғлиқ харажатлар ҳам ЎзПФЛ ҳисобидан амалга оширилади.

**7.9.** Лига кубоги мусобақасини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар алоҳида Низом орқали тартибга солинади.

**7.10.** Бадал тўловини, жарималар бўйича қарздорликни, шунингдек, легионер футболчи ва хорижий мутахассисларни рўйхатдан ўтказганлик учун белгиланган тўловларни тўламаган ёки белгиланган муддатда тўлиқ

тўламаган клуб ЎзПФЛ тақдимномасига кўра мусобақалардан четлаштирилиши мумкин.

**7.11.** Мезбон жамоа меҳмон жамоанинг расмий мурожаатига асосан камида 200 та бепул чипта ажратиши шарт.

**7.12.** Лицензиялаш Регламенти талабларига кўра, клублар йилда икки марта ЎзПФЛ томонидан жалб этилган аудиторлар томонидан аудит текширувидан ўтказилади. Аудит хизмати учун тўлов клуб томонидан қопланади.

**7.13.** Клублар ҳар чоракда кейинги ойнинг 25-санасига қадар молиявий ҳисботни (бухгалтерия баланси, 1-шакл) ҳамда молиявий натижалар ҳақидаги ҳисботни (2-шакл, сарф-харажатлар ва даромадлар тавсифи) ЎзПФЛга тақдим этиши лозим.

## **8-боб. Мусобақада иштирок этиш шартлари**

**8.1.** Мусобақаларда иштирок этувчи жамоаларнинг Мусобақага қўшилиши ёки ундан чиқиб кетиши масаласи ўтган мавсум мусобақалари натижасига кўра аниқланади. Бироқ клуб Мусобақада қайси ўринни эгаллашидан қатъи назар агар у лицензиялаш талабларини бажара олмаса, ЎФА Лицензиялаш қўмитаси лицензиялаш таҳлиллари асосида ўз хулосасини тақдим этиши ҳамда мазкур хулоса асосида клубни ЎзПФЛ иштирокчилари сафидан чиқариб ташлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**8.2.** Мусобақа иштирокчилари 2022 йилги мавсумда иштирок этишлари учун 2021 йилнинг 31 июлига қадар “Лицензиялаш Регламенти” талабларини бажаришлари шарт.

**8.3.** “Лицензиялаш Регламенти”га кўра талаб қилинган U-21, U-18, U-16, U-14, U-10 жамоалари (“Лицензиялаш Регламенти”га асосан), шунингдек, ЎФА қарорига асосан футбол, аёллар ҳамда аёлларнинг U-16 жамоаларини ташкил (“Лицензиялаш Регламенти” ва ЎФА Ижроқўми Бюроси қарорига асосан) қилмаган ёки уларнинг мусобақалардаги иштирокини таъминлай олмаган клуб 2022 йилги мавсум учун клубларни лицензиялашдан ўтказиш талабларидан ўта олмаган ҳисобланади. Мазкур жамоаларнинг 2022 йилги Мусобақада иштирок этиши масаласи ЎФА томонидан кўриб чиқлади.

**8.4.** Суперлига ва Про лига клубларининг U-18 жамоалари U-18 чемпионатида иштирок этишлари шарт.

**8.5.** Мавсум натижаларига кўра юқорироқ лигада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган клуб ушбу ҳуқуқдан воз кечса ёки унда мазкур лигада иштирок этиш учун Регламент асосида тўсиқ бўлса, унинг ўрни мавсум якунига кўра кейинги ўринни эгаллаган бошқа клуб билан тўлдирилади. Бунда янги қўшилаётган клуб лицензиялаш талабларига жавоб бериши шарт.

**8.6.** Ўзбекистон миллий ва олимпия терма жамоаларига уч ва ундан кўп футболчисини берган клублар чемпионат ва Ўзбекистон кубоги учрашувлари санасини бошқа кунга кўчириши сўраб мурожаат қилишга ҳақлидир.

**8.7.** ОФК ўз мусобақалари санасини кўчирган тақдирида мазкур мусобақада иштирок этаётган клублар ҳам Ўзбекистон чемпионати ва Ўзбекистон кубоги учрашувлари санасини кўчириши сўраб мурожаат қилиши мумкин.

**8.8.** Учрашувга узрсиз сабабларга кўра келмаган жамоага техник мағлубият (-/+), рақиб жамоага эса техник ғалаба (+/-) ёзилади. Иккинчи маротаба учрашувга узрсиз сабабларга кўра етиб келмаган жамоа ЎзПФЛ Ижроқўми қарори билан мусобақалардан четлаштирилади.

**8.9.** Мусобақалардан четлаштирилган жамоа агар учрашувларнинг 50 фоизи ва ундан камини ўтказган бўлса, унинг натижалари бекор қилинади. Огоҳлантириш ва четлаштиришлар ўз кучини сақлаб қолади. Агар жамоа учрашувларнинг 50 фоиздан кўпини ўтказган бўлса, бундай жамоага қолган учрашувлар учун техник мағлубият (-:+), рақиб жамоаларга эса техник ғалаба (+:-) ёзилади. Огоҳлантириш ва четлаштиришлар ўз кучини сақлаб қолади. Форс-мажор ҳолати сабаб мусобақа форматига ўзгартириш киритилган бўлса, ўйинлар фоизини аниқлаш шу ўзгаришга асосан ҳисобланади.

**8.10.** Агар клуб мазкур Регламентга кўра ЎзПФЛ томонидан мусобақадан чиқариб юборилса, аммо фаолиятини давом эттираса, у ҳолда мазкур клубга ЎзПФЛ Ижроқўми қарори билан келаси мавсумни битта қўйи лигадан бошлаш имконияти берилиши мумкин.

**8.11.** Агар клуб фаолиятини тугатса, у ЎзПФЛ қатнашчилари сафидан четлаштирилади. Ҳар қандай бошқа клуб шу клубнинг номи, ҳар қандай атрибулари, белгилари, рамзлари ва тарихидан фойдаланишига йўл қўйилмайди. Агар мазкур клуб фаолиятини қайта тикласа, у ҳолда ўз иштирокини ҲА томонидан ўтказиладиган Иккинчи лига мусобақасидан бошлаши керак.

**8.12.** Профессионал футбол клуби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида ўз номи ёки ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарса, янги клуб аввалги клубнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади ва футболчилар, мураббийлар, клубнинг бошқа ходимлари олдида ойлик иш ҳақи ҳамда бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблардаги бузилишлар учун тўлиқ жавобгар бўлади. Шунингдек, у ЎФА, ЎзПФЛ ва Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари олдидаги қарздорликни тўлаш учун жавобгар ҳисобланади. Кейинчалик ушбу клубнинг ЎзПФЛ ўтказадиган мусобақаларда иштирок этишига рухсат ЎФА Ижроия қўмитаси Бюросининг қарори билан берилади. Мазкур ҳолатда клубнинг янги эгаси қарздорлик масаласини ҳал қилиш учун жавобгарликни ўз зиммасига олиб, бироқ қарзлардан қутулишга янги мавсум стартига қадар

улгурмаса, у ҳолда вилоят ҳокимининг расмий кафолати остида мазкур клубга мусобақада иштирок этиш учун рухсат берилиши мумкин.

**8.13.** Суперлига ва Про лига клублари ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган барча Мусобақаларда футболчиларнинг функционал ҳолатини масофадан туриб мониторинг қилиш имконини берувчи мосламадан фойдаланиши ҳамда бу борадаги ҳисоботни ЎФА техник бошқармасининг илмий-услубий грухига тақдим этиши шарт. Клуб ушбу мосламаларга эга бўлмаса, ЎФА техник бошқармасининг илмий-услубий грухи мазкур клуб футболчиларини жисмоний тайёргарлик бўйича тестдан ўтказади.

**8.14.** Стадионнинг ёритиш тизими “Стадионлар тўғрисидаги низом”да келтирилган талабларга жавоб бермаса ва шу стадиондаги учрашувда қуёш нурида ўйинни ташкил қилиш ҳаво ҳароратидан келиб чиқиб футболчилар саломатлигига салбий таъсир кўрсатса (“Медицина Регламенти”га асосан), ЎзПФЛ мазкур учрашувни ёритиш тизими талабга жавоб берадиган бошка майдонда ўтказиш бўйича қарор чиқаришга ҳақли. Бу ҳолатда мезбонлик билан боғлиқ мазкур Регламентда кўрсатилган барча мажбуриятлар мезбон клубнинг ўзида қолади.

**8.15.** Аёллар Олий лигасида майдонга чиқаётган футболчи 2006 йил ёки ундан катта бўлиши шарт. Аёллар Биринчи лигасида майдонга чиқаётган футболчи 2007 йил ёки ундан катта бўлиши шарт.

**8.16.** U-21 жамоалари ўртасидаги ўйинлар ўтадиган стадион майсаси “Стадионлар тўғрисидаги низом” талабларига жавоб бериши шарт.

**8.17.** Клуб ва шу клуб қошидаги фарм-клуб қайд этган натижасидан қатъи назар бир лигада иштирок этишига йўл қўйилмайди.

## **9-боб. Мусобақалар ҳужжатлари ва ularни расмийлаштириш тартиби**

**9.1.** ЎзПФЛ мусобақаларида иштирок этувчи клуб дастлаб шартли равишда лицензиялаш (Суперлига ва Про лига клублари) ва мониторинг (Биринчи лига клублари) жараёнидан ўтиши лозим.

**9.2.** Ариза ҳужжатларини расмийлаштириш ЎзПФЛ томонидан белгиланган жадвалга мувофиқ амалга оширилади. Ариза ҳужжатларини расмийлаштириш муддатларига амал қилмаганлик учун ЎФАнинг “Интизом кодекси”га мувофиқ жарима солинади. Қайта ариза беришга жарима тўланганидан кейингина рухсат берилади.

**9.3.** Клубнинг ЎзПФЛ билан боғлиқ ҳужжатларини расмийлаштириш ҳуқуқи клуб раҳбарияти томонидан ваколатли шахсларга (спорт директори, техник директор ёки лицензиялаш менежери) берилади.

**9.4.** Суперлига ва Про лига клублари ЎзПФЛнинг онлайн рўйхатга олиш тизими орқали шартли равишда рўйхатдан ўтишлари лозим. Бунда рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар (ҳужжатлар рўйхати клубларга электрон

шаклда юборилади) кейинчалик ЎзПФЛга тақдим этиладиган асл нұсхаси билан мос келиши шарт. Онлайн рўйхатдан ўтказилмаган клуб расмийлари учун лицензия тақдим этилмайди.

**9.5.** Мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳужжатлари расмийлаштирилганидан сўнг (талаб этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган ҳамда клуб расмийлари электрон базага киритилгач) лицензиялар клубнинг ваколатли вакилига унинг имзоси билан тасдиқланган шахсий масъулияти остида тақдим этилади.

**9.6.** “Лицензиялаш Регламенти”га асосан клуб ўз раҳбарияти таркибини ЎзПФЛ рўйхатидан ўтказиш шарт (бош директор, спорт директори, техник директор, хавфсизлик бўйича офицер, матбуот котиби, бош мураббий, катта мураббий, ёрдамчи мураббий, жисмоний тайёргарлик бўйича мураббий, дарвозабонлар мураббийи, таҳлилчи, маъмур, шифокор, массажчи, физиотерапевт). Клубнинг қайси лигада иштирок этишига қараб, унинг ЎзПФЛ рўйхатидан ўтиши шарт бўлган таркиби “Лицензиялаш Регламенти”га асосан тартибга солинади.

#### **10-боб. Футболчилар билан тузилган меҳнат шартномаларини рўйхатга олиш тартиби**

**10.1.** Футболчиларни мусобақаларга рўйхатдан ўтказиш 2021 йилнинг 4 январидан 2021 йилнинг 12 март кунига қадар давом этади. Ёзги трансфер ойнаси эса 2021 йилнинг 5 июлидан шу йилнинг 31 июлига қадар очиқ бўлади.

**10.2.** Футбол клуби футболчи билан йилнинг исталган даврида шартнома тузиш ҳуқуқига эга. Мазкур шартнома имзоланган кунидан бошлаб 1 ой ичida ЎзПФЛ рўйхатидан ўтказилиши шарт.

**10.3.** Футболчини мусобақада иштирок этиши учун қўшимча ариза билан рўйхатга қўшиш мумкин. Талаб этиладиган ҳужжатлар:

- ўтиши ва шартномасини тасдиқловчи илова;
- трансфер шартномаси (ёки ижара шартномаси);
- футболчи учун машғулот компенсацияси тўланганлигини далилловчи маълумотнома.

**10.4.** Клуб ўз расмийсини исталган вақтда ЎзПФЛ рўйхатидан чиқариши мумкин. Бундай ҳолатда клуб ЎзПФЛни ёзма равишда огоҳлантириши ва уч кун муддат ичida озод этилган шахс лицензиясини ЎзПФЛга топшириши лозим.

**10.5.** Мусобақа иштирокчилари ёзги трансфер ойнасида 10 нафардан ортиқ бўлмаган футболчиларни қўшимча ариза билан қайта рўйхатдан ўтказиши мумкин.

**10.6.** Футбол клублари ўзларига қарашли бўлган футбол академияси/мактаби ёки шу клубига биринчирилган ФММ, БўФМ

тарбияланувчиларини (2003 ва ундан кейин түғилган) чегараланмаган миқдорда йилнинг исталган даврида ЎзПФЛ рўйхатидан ўтказишлари мумкин.

**10.7.** Футбол академияси/мактаби, ФММ, БўФМ ва БўСМ тарбияланувчиси ўз ёш тоифасидаги мусобақаларда иштирок этиш учун бошқа клубга қарашли академия/мактаб, ФММ, БўФМ ва БўСМ таркибида 2021 йилнинг 15 сентябрига қадар рўйхатдан ўтиши шарт.

**10.8.** Клуб ўз академияси/мактаби тарбияланувчисини мусобақалар учун футболчилар сонига нисбатан белгиланган чекловга қўшимча равишда рўйхатдан ўтказиши мумкин. Бироқ бошқа академия/мактаб тарбияланувчиси ёки 2003 йилдан катта футболчини рўйхатга қўшишда футболчилар сонига нисбатан белгиланган чеклов чегарасидан чиқмаслиги керак.

**10.9.** Янги мавсум учун ҳужжатлар расмийлаштириб бўлингач, клуб 7 кун ичида ўз вакиллари меҳнат шартномаларини олганликлари юзасидан маълумотномани электрон кўринишда тақдим этиши керак. Маълумотнома шартнома тузилган ҳар бир шахс томонидан алоҳида имзоланган бўлиши шарт.

**10.10.** Мусобақаларда қатнашиш учун бадал тўламаган, шунингдек, жарима санкциялари ва бошқа қарздорлиги мавжуд клубларга ариза ҳужжатларини расмийлаштириш учун рухсат берилмайди.

**10.11.** Футболчининг тиббий кўриқдан ўтганлиги борасидаги маълумотнома тақдим этилмагунига қадар, у билан тузилган шартнома рўйхатдан ўтказилмайди.

**10.12.** Рўйхатдан ўтказилмаган меҳнат шартномаси билан боғлиқ низолар ЎФА қошида ташкил этиладиган Низоларни ҳал этиш палатасида кўриб чиқиласди.

## **11-боб. Хорижлик футболчилар ва мутахассисларни рўйхатдан ўтказиш учун алоҳида шартлар**

**11.1.** ЎзПФЛ мусобақалари учун 5 нафаргача хорижлик футболчини (кейинги ўринларда — легионер) рўйхатдан ўтказиш мумкин. Бунда улардан бири (ёки ҳаммаси) ОФКга аъзо мамлакат фуқароси бўлиши шарт (4+1). ОФКга аъзо давлатдан легионер мавжуд бўлмаган тақдирда клуб ариза варақасига 4 нафардан ортиқ чет эллик футболчини кирита олмайди.

**11.2.** Легионер футболчи хизматидан фойдаланиш учун йилда бир марта легионер футболчини рўйхатдан ўтказганлик учун тўлов амалга оширилади. Мазкур тўлов футболчини мавсум учун биринчи бор рўйхатдан ўтказган клуб томонидан тўлаб берилади.

**11.3.** Про лига клубининг легионер футболчини рўйхатдан ўтказганлик учун тўлови Суперлига клубларига белгиланган тўлов миқдорининг teng ярмини ташкил қиласди.

**11.4.** Аёл легионер футболчиларни ҳамда Биринчи лига клублари учун легионер футболчиларни рўйхатдан ўтказиш учун тўлов талаб этилмайди.

**11.5.** Агар Про лига клуби сафида рўйхатдан ўтган легионер футболчи трансфер ойнасида Суперлига клуби таркибида қайта рўйхатдан ўтказилса, шу бобнинг 11.2-бандидан истисно тариқасида мазкур легионер учун тўлов янги клуб томонидан Суперлига клублари учун белгиланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида қўшимча амалга оширилади.

Биринчи лига клуби сафидан рўйхатдан ўтган легионер футболчи трансфер ойнасида Суперлига ёки Про лига клуби таркибида қайта рўйхатдан ўтказилса, янги клуб мазкур легионерни рўйхатдан ўтказиш учун ўзи иштирок этадиган лигага белгиланган тўловни амалга ошириши керак.

**11.6.** Агар легионер футболчи узлуксиз кетма-кет тўрт мавсумни Ўзбекистон клубларида ўтказган бўлса ва 2021 йилги мавсум тартиб бўйича унинг кетма-кет бешинчи мавсуми бўлса, мазкур легионер учун тўлов амалга оширилмайди.

**11.7.** Агар легионер футболчи бир клуб сафида кетма-кет иккинчи мавсум учун ҳам рўйхатдан ўтказилса, мазкур футболчи учун белгиланган тўлов 50 фоизга қисқартирилади.

**11.8.** Легионер футболчини рўйхатдан ўтказиш учун тўлов амалга оширилмагунича легионер футболчи рўйхатдан ўтказилмайди.

**11.9.** Клуб хорижий мутахассисни рўйхатдан ўтказиш учун тўлов амалга оширади.

**11.10.** Легионер футболчи ва хорижий мутахассисларни рўйхатдан ўтказганлик учун тўлов миқдори ЎзПФЛ Ижроия қўмитаси томонидан белгиланади.

## **12-боб. ЎзПФЛ рўйхатидан ўтган футболчиларнинг мусобақалардаги иштирокини тартибга солиш**

**12.1.** Ўз клуби билан тузган шартномаси (келишув битими) сабаб ЎзПФЛ рўйхатидан ўтган футболчининг бошқа ҳар қандай клуб сафида майдонга тушиши тақиқланади.

**12.2.** Суперлига клуби 30–45 нафар (камида 17 нафар футболчи 1999 йил ва ундан кичик бўлиши, 5 нафари эса 2003 ва ундан кичик бўлиши лозим) футболчини ЎзПФЛ рўйхатидан ўтказиши керак.

**12.3.** U-21 чемпионатида 1999 йил ёки ундан катта 2 нафар футболчининг иштирок этишига рухсат этилади.

**12.4.** Суперлига ва Про лига клубларининг U-18 чемпионатида иштирок этувчи жамоаси учун камида 20 нафар шу ёш тоифасидаги (2003) футболчини рўйхатдан ўтказиш керак.

**12.5.** Про лига клуби 20–25 нафар футболчини ЎзПФЛ рўйхатидан ўтказиши керак.

**12.6.** Биринчи лига клуби 20–25 нафар футболчини ЎзПФЛ рўйхатидан ўтказиши керак.

**12.7.** Аёллар Олий ва Биринчи лигаси жамоалари 20–25 нафар футболчини ЎзПФЛ рўйхатидан ўтказиши керак. Бунда клуб камида 4 нафар 2003 йил ва ундан кейин туғилган футболчини (кейинги ўринларда — ёш футболчи) рўйхатдан ўтказиши шарт. Аёллар жамоалари учрашув қайдномасига U-16 жамоаси сафида рўйхатдан ўтган кўпи билан 4 нафаргача футболчини киритишга ҳақли. U-16 жамоасининг камида 10 нафар футболчиси маҳаллий футболчи бўлиши шарт.

**12.8.** Футболчи ўзи рўйхатдан ўтган клубнинг асосий таркибидан бошқа жамоаларида майдонга туша олмайди (Суперлига футболчисининг U-21 чемпионатида иштирок этиши ҳамда Суперлига ва Про лига асосий таркибларининг 2003 йил ва ундан кичик футболчисининг U-18 жамоасида тўп суриши бундан мустасно).

**12.9.** Клуб бир клубга бир мавсумнинг ўзида 2 нафардан ортиқ футболчини ижарага бериши мумкин эмас. Шунингдек, клуб бир мавсум давомида умумий ҳисобда 6 нафардан кўп футболчини ўзи иштирок этажтан лиганинг бошқа клубига ижарага бериши мумкин эмас.

**12.10.** Футболчи ижарага берилган тақдирда у ўзининг асл шартномаси мавжуд бўлган клубга қарши майдонга тушишга ҳақли. Ижара шартномаси тузилаётганда мазкур бандга зид келувчи шарт қўйиш тақиқланади.

**12.11.** U-18 чемпионатида тўп сурувчи футболчи билан йил охиригача бўлган келишув битими имзоланиши керак. U-18 ҳамда фарм-клуб жамоаси таркибида рўйхатдан ўтган футболчи шу жамоанинг Суперлига ёки Про лига мусобақасидаги асосий жамоаси таркибида йилнинг исталган даврида майдонга тушиши мумкин. Бунинг учун U-18 жамоаси аъзоси билан профессионал меҳнат шартномаси тузилиши керак.

**12.12.** U-18 жамоаси учун рўйхатдан ўтган футболчи шу жамоанинг U-21 жамоасида келишув битими асосида ўз лицензияси билан ўйнаш ҳуқуқига эга.

**12.13.** Суперлига ва Про лига клублари ўз қошидаги U-14, U-16 жамоалари учун, шунингдек аёллар жамоалари ўз қошидаги U-16 жамоаси учун 20–22 нафар футболчини мусобақанинг алоҳида Низомида кўрсатилган санага қадар ЎзПФЛ рўйхатидан ўтказиши керак.

### **13-боб. ЎзПФЛ комиссарининг Мусобақалардаги фаолияти**

**13.1.** Учрашувни ташкил этиш ва ўтказишни назорат қилиш учун ЎзПФЛ комиссари тайинланади.

**13.2.** Учрашувни бошлаш ёки уни ўтказмаслик масаласи бевосита ЎзПФЛ комиссари томонидан ҳал қилинади.

**13.3.** ЎзПФЛ комиссарлари рўйхати махсус ўқув-семинарида иштирок этиб, унинг якунига кўра тавсия этилган ЎФА, ЎзПФЛ ҳамда ЎзПФЛнинг ҳудудий вакиллари орасидан шакллантирилади ҳамда ЎзПФЛ бош директори томонидан тасдиқланади.

**13.4.** ЎзПФЛ комиссарини учрашувга тайинлаш ЎзПФЛ бош директори томонидан амалга оширилади.

**13.5.** ЎзПФЛ комиссари Мусобақа стартидан 60 дақиқа аввал захира ҳаками ва клуб расмийси билан биргаликда учрашув қайдномасига футболчиларнинг исми-фамилияси, амплуаси ва рақамларини (ўсиш тартибида), шунингдек, расмий шахсларни лавозимини кўрсатган ҳолда киритиши керак.

**13.6.** ЎзПФЛ комиссари учрашувни мазкур Регламентга мувофиқ ташкил этиш, хавфсиз ўтказилишини назорат қилиш, хуқуқ-тартибот органлари, стадион ва клублар расмийлари, футболчилар, томошабинлар ҳаракатларини баҳолаш учун масъул ҳисобланади.

**13.7.** ЎзПФЛ комиссари учрашувга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш борасида баҳсли масалалар юзага келган ҳолларда ҳал этувчи овозга эга.

**13.8.** Назоратчи ва ҳакамлар бригадаси ЎзПФЛ комиссарига бўйсунади.

**13.9.** ЎзПФЛ комиссарлари “Футбол яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича декларация”ни имзолаганидан кейингина Мусобақага қўйилади.

**13.10.** ЎзПФЛ комиссари билан боғлиқ мажбуриятлар ва комиссарликка оид ваколатлар “Комиссар йўриқномаси”да акс этади.

#### **14-боб. Мусобақаларда ҳакамлик қилиш**

**14.1.** Ҳакамлик мазкур Регламент, “Футбол ўйини қоидалари” (2020/2021 йилларда чиқарилган), шунингдек, IFAB томонидан қабул қилинган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида амалга оширилади.

**14.2.** Мусобақаларда ҳакамлик қилишга ЎФА Ҳакамлик-инспекторлик қўмитаси томонидан тавсия этилган ҳакамлар қўйилади.

**14.3.** ЎФА ва ЎзПФЛ штат ходимлари, ҳудудий футбол ассоциациялари раҳбарлари ҳакамлик қилишига йўл қўйилмайди.

**14.4.** Суперлига, Про лига, Биринчи лига, Ўзбекистон кубоги, Ўзбекистон Лига кубоги, Суперкубок, аёллар чемпионати ва биринчилиги каби учрашувларга ҳакамлар ЎФА Футбол фаолиятини назорат қилиш махсус инспекцияси билан келишилган ҳолда ЎФА Ҳакамлар бўлими томонидан тайинланади. Мазкур тайинлов ЎзПФЛ бош директори томонидан тасдиқланади.

**14.5.** U-21, U-18, U-16, U-14, U-10 каби мусобақаларга ҳакамлар ҲА тавсиясига кўра ЎФА Ҳакамлар бўлими томонидан тайинланади.

**14.6.** Жамоаларнинг учрашувга тайинланган ҳакамларни алмаштириш борасидаги мурожаатлари қабул қилинмайди.

**14.7.** Агар учрашувга тайинланган ҳакамлар бригадаси учрашувга етиб кела олмаган бўлса, ЎФА Ҳакамлар бўлими учрашувга ҲАнинг малакали ҳакамларидан бири тайинлайди. Ёрдамчилардан бири бирор сабабга кўра майдонга чиқа олмаса, захира ҳаками унинг ўрнини эгаллайди ва захира ҳаками вазифасини ҳам бажаради.

**14.8.** Учрашув бошланишидан камида бир соат олдин бош ҳакам ЎзПФЛ комиссари билан бирга футбол майдонини кўздан кечиради ва унинг сифатини 5 баллик тизимда баҳолайди. Мазкур баҳо ўйин қайдномасида кўрсатилади. Баҳолаш жараёнида майдон билан боғлиқ муаммо юзага келса, мезбон томон мазкур муаммони учрашув стартигача ҳал қилиши шарт.

**14.9.** Захира ҳаками ва ЎзПФЛ комиссари клуб расмийларининг ҳужжатларини текширади. Улар жамоа раҳбарлари билан биргаликда футболчиларни учрашувга қўйиш қоидаларига риоя қилиниши учун масъулдир.

**14.10.** Майдонга чиқишдан аввал ҳакамлар бригадаси учрашув қайдномасига киритилган футболчилар лицензияларини текшириши, шунингдек, футболчиларнинг рақамлари учрашув қайдномасига мос эканини солишириши лозим.

**14.11.** Футболчини алмаштириш пайтида захира ҳакамига алмаштириш варақаси билан бирга майдонга чиқаётган футболчининг лицензияси тақдим этилади.

**14.12.** Захира ҳаками майдон периметри бўйлаб техник ва бошқа зоналарга оид хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши учун масъулдир. У тўпларни узатиб турадиган ёш футболчиларга ва ўз вазифаларини бажарадиган бошқа техник ходимларга тегишли йўриқнома беради.

**14.13.** Учрашув якунлангандан сўнг бош ҳакам ЎзПФЛ комиссари билан бирга 30 дақиқа давомида учрашув қайдномасини тўлдириши лозим. Агар учрашув давомида огоҳлантиришлар, четлаштиришлар ва футболчиларнинг жароҳатлари, шунингдек, стадионда тартиббузарликлар юз берган бўлса, бош ҳакам ЎзПФЛ комиссари билан биргаликда бу ҳақда батафсил учрашув қайдномасида баён этиши керак.

**14.14.** Учрашувдан олдин, учрашув давомида ва учрашувдан кейин, шунингдек, ҳакамлар хонасида ёки ҳакамлар бригадасининг йўлида юз берган барча нохушликлар ва четлаштиришлар (иккинчи огоҳлантириш ва “яққол гол уриш учун имкониятидан маҳрум қилиш” учун четлаштириш бундан мустасно) ҳақида бош ҳакам ва унинг ёрдамчилари ЎзПФЛ комиссарини огоҳлантириб, ЎзПФЛ бош директори номига билдирги хати юбориши шарт.

**14.15.** Ҳакам учрашувда юз берган огоҳлантириш ёки четлаштириш, бошқа нохушликлар ҳақида маълумотни қайдномага киритишни ЎзПФЛ комиссарига билдирамаган бўлса, у ЎФА “Интизом кодекси”га мувофиқ учрашувларни олиб боришдан четлаштирилади.

**14.16.** Учрашувларда фаолият олиб борувчи VAR тизими ҳакамлари билан боғлиқ мажбуриятлар ЎФА ҳамда ЎзПФЛ томонидан алоҳида келишилган ҳолда тартибга солинади.

**14.17.** ЎФА ва ЎзПФЛ ўзаро келишган ҳолда Мусобақага хорижлик ҳакамлар ёки ҳакамлар гуруҳини жалб қилишга ҳақли.

## 15-боб. Мусобақаларда назоратчилик қилиш

**15.1.** Мусобақаларда назоратчилик қилишга ЎФА Ҳакамлик-инспекторлик қўмитаси томонидан тавсия этилган назоратчилар қўйилади.

**15.2.** Мусобақаларда иштирок этувчи жамоаларнинг мавсум учун қайдномасига киритилган шахсларга назоратчилик қилиш тақиқланади.

**15.3.** Жамоаларнинг учрашувга тайинланган назоратчини алмаштириш ҳақидаги мурожаати қабул қилинмайди.

**15.4.** Суперлига жамоалари учрашувига тайинланган назоратчи U-21 чемпионати учрашувида ҳам назоратчилик қиласади.

**15.5.** Назоратчи мазкур Регламент, “Футбол ўйини қоидалари” (2020–2021 йилларда чиқарилган), шунингдек, IFAB томонидан қабул қилинган ўзгартиш ва қўшимчалар, “Футбол бўйича мусобақаларда ҳакамлик сифати учун ҳакамларни баҳолаш бўйича йўриқнома” талабларига қатъи риоя этиши шарт.

**15.6.** ЎзПФЛ комиссари бўлмаган учрашувларда назоратчи стадион ва тегишли хизматларнинг учрашувни ўтказишга тайёр экани, шунингдек, мазкур Регламентда ўйин ўтказиш учун талаб қилинган бошқа ҳужжатлар мавжудлигини текшириши лозим. Агар ушбу ҳужжатлар бўлмаса ёки мазкур Регламент талаблари бажарилмаса, назоратчи клуб директори ва стадион дирекциясидан аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, стадионни учрашувга тайёрлашни талаб қилиши зарур.

**15.7.** Учрашувдан олдин, учрашув давомида ва учрашувдан кейинги четлаштиришлар (иккинчи огоҳлантириш ва “охирги умид фоли” учун четлаштириш бундан мустасно), шунингдек, ҳакамлар хонасида ёки ҳакамлар бригадасининг йўлида юз берган барча нохушликлар, ҳакамликнинг сифати бўйича эътиroz ёки шикоятлар келтирилиши ҳақида назоратчи ЎзПФЛ бош директори номига билдиришнома тақдим қилиши керак.

**15.8.** Назоратчилик сифати Ҳакамлик-инспекторлик қўмитасининг Таҳлил комиссияси томонидан баҳоланади. ЎзПФЛда сақланувчи назоратчи билдиргиси Таҳлил комиссияси томонидан текширилганидан сўнг, унинг

хулосаси ҳакамлар ва назоратчилар томонидан бажарилган ишлар юзасидан молиявий табелга ўз таъсирини кўрсатади.

**15.9.** Назоратчи учрашув якунидан сўнг 48 соатдан кечиктирмай ЎзПФЛга ўрнатилган шаклдаги билдиргини электрон тарзда етказиши шарт.

### **16-боб. Ҳакамлар қарорига шикоят ёки эътиroz бериш тартиби**

**16.1.** Ҳакамларнинг қарорлари бўйича шикоят ёки эътиroz мазкур Регламентга мувофиқ берилади ва кўриб чиқилади.

**16.2.** Агар ҳакамликнинг сифатига нисбатан жамоаларнинг бирида эътиrozлар мавжуд бўлса, бош мураббий ёки спорт директори учрашув якунига етганидан кейинги 30 дақиқа ичida бу ҳақда учрашув комиссарига маълум қилиши зарур. Ҳакамлик сифати бўйича эътиrozлар ЎзПФЛ комиссари томонидан учрашув қайдномасида қайд этилади ва жамоа вакили томонидан имзоланади. Шундан сўнг 24 соат ичida кўрсатилган учрашувнинг видеоёзуви (учрашувдаги аниқ ҳолатларнинг дақиқалари келтирилган вазиятнинг қисқача таърифи) ЎзПФЛга тақдим этилади. Бунда ҳакамнинг мазкур Регламент ва “Ўйин қоидалари” талабларидан келиб чиқсан ҳаракат ёки ҳаракатсизликка нисбатан эътиroz берилади. Учрашув қайдномаси ЎзПФЛ комиссари, назоратчи ва бош ҳакам томонидан имзолаб бўлингач, шикоят ва эътиrozлар қабул қилинмайди.

**16.3.** Қуйидагилар кўриб чиқilmайдi:

- белгиланган муддатда киритилмаган шикоят ёки эътиrozлар;
- учрашув қайдномасида қайд этилмаган шикоят ёки эътиroz;
- 48 соат давомида клуб шикоят ёки эътиroz учун пуллик тўловни амалга оширмаган шикоят ёки эътиroz.

**16.4.** Шикоят ёки эътиroz мазмунида уни киритиш учун асос бўлган сабаблар, шунингдек, Регламентнинг бузилиши ва/ёки футбол ўйини қоидаларига риоя қилмаслик билан боғлиқ тафсилотлар келтирилиши лозим.

**16.5.** Учрашув ўтказишни ташкил этиш билан боғлиқ шикоят ёки эътиroz ЎзПФЛ комиссарига учрашув бошланишидан камида 60 дақиқа олдин ёзма равишда тақдим этилади ҳамда ЎзПФЛ комиссари мазкур эътиrozномани учрашув билдиргисига илова қиласди. Ўйин ҳолати бўйича эътиroz эса комиссар томонидан учрашув қайдномасига ёзилади.

**16.6.** Учрашув ўтказишни ташкил этиш билан боғлиқ шикоят ёки эътиroz келтирилгани ҳақида рақиб жамоа/стадион расмийси огохлантирилиши ва шикоятнинг бир нусхаси унга тақдим этилиши керак.

**16.7.** Учрашув билан боғлиқ шикоят ёки эътиrozларни кўриб чиқиш учун шикоят берувчи томонидан қуйида келтирилган миқдорда пуллик тўлов ЎзПФЛ ҳисоб-рақамига келиб тушганидан сўнг, ЎзПФЛ шикоят ёки эътиrozни тегишли қўмитасида кўриб чиқиш учун ЎФАга оширади. Шикоят ёки эътиroz

мазкур шикоят учун тўлов амалга ошганидан кейинги 7 кун муддат ичидаги кўриб чиқилади. Учрашув билан боғлиқ шикоят ёки эътиrozларни кўриб чиқиш учун тўловлар:

- Суперлига, Про лига, Ўзбекистон кубоги, Лига кубоги, Суперкубок учун — 5 000 000 сўм (беш миллион);
- Биринчи лига, U-21, U-18, аёллар чемпионати ва кубоги учун — 3 000 000 сўм (уч миллион).

**16.8.** Шикоят ёки эътиroz мазмуни учрашув видеоёзуви ва қайдномаси, шунингдек, ЎзПФЛ комиссари, ҳакамлар ва назоратчи билдиргисида акс этган маълумотлар билан асосланиши керак.

**16.9.** Шикоят ёки эътиrozларни кўриб чиқиш учун амалга оширилган пуллик тўловнинг қайтарилишига шикоят ёки эътиrozнинг қаноатлантирилиши, шикоят ёки эътиrozда келтирилган тафсилотларнинг асосланган ва мазкур Регламентга зид эканлигининг тан олиниши асос бўлади.

**16.10.** Клуб ўз шикоят ёки эътиrozи кўриб чиқилиши учун тўловни учрашувдан кейинги икки банк иш куни ичидаги амалга оширмаса ва бу вақтда шикоят ёки эътиroz қайтариб ҳам олинмаган бўлса, мазкур клуб шу бобнинг 16.7-бандида кўрсатилган тўлов миқдорининг тенг ярмини жарима сифатида тўлаб беради.

**16.11.** Агар футбол клуби киритган эътиroz ёки шикоятини 48 соат ичидаги қайтариб олса, клубга нисбатан интизомий чоралар қўлланилмайди.

## **17-боб. Футбол учрашувларини ўтказиш тартиби**

**17.1.** Клубнинг икки расмий учрашуви орасидаги вақт оралиғи 48 соатдан кам бўлмаслиги лозим.

**17.2.** Учрашувлар давомийлиги 45 дақиқадан 2 тайм бўлади. Таймлар орасидаги танаффус максимум 15 дақиқа. Кубок учрашувлари қўшимча таймларга қадар чўзилса, учинчи ва тўртинчи таймларнинг ҳар бири 15 дақиқадан, улар орасидаги танаффус эса максимум 5 дақиқадан иборат бўлади.

**17.3.** Об-ҳаво ҳароратидан келиб чиқиб, учрашув бош ҳаками клублардан бирининг таклифига кўра, бўлимлар давомида бир мартадан сув ичиш учун 1 дақиқадан кўп бўлмаган танаффус эълон қилиши мумкин.

**17.4.** Учрашув олди жараёни қўйидагиларни ўз ичига олади (учрашув стартигача):

- 150 дақиқа — ЎзПФЛ комиссарининг стадионга келиши;
- 90 дақиқа — инспектор ва ҳакамларнинг келиши;
- 90 дақиқа — жамоаларнинг келиши;
- 60 дақиқа — учрашув қайдномасини тўлдириш, футболчиларнинг лицензияларини солишиши;

- 50–20 дақиқа — чигалёзди машғулотлари;
- 15 дақиқа — футболчилар либоси ва улардаги белгилар текшируви, рақамларнинг лицензияга мувофиқлиги;
- 10-5 дақиқа — жамоаларнинг трибуна ости йўлакчасида сафланиши.

Клублар ЎзПФЛ томонидан тақдим этилган Countdown тартибига қатъи риоя қилиши лозим.

**17.5.** Учрашув давомида алмаштириладиган футболчиларнинг рухсат этилган сони:

- Суперлига — 3 та;
- Ўзбекистон кубоги — 3 та (+1 экстра таймда);
- Лига кубогида — 3 та (+2 танаффус вақтида, йўқса бу лимит кучини йўқотади);
- U-21 — 5 та;
- U-18 — 5 та;
- U-16 — 7 та;
- U-14 — 7 та;
- Про лига — 3 та;
- Биринчи лига — 5 та;
- Аёллар Олий лигаси — 3 та;
- Аёллар Биринчи лигаси — 5 та;
- U-16 аёллар — 7 та.

Мазкур қоида эпидемиологик шароитдан келиб чиқиб, ўзгартиришлар сони қайта кўриб чиқилиши мумкин.

**17.6.** Мусобақа иштирокчилари ЎФА томонидан тавсия этилган профессионал футбол тўпларидан фойдаланади.

**17.7.** Чемпионлар лигасидаги иштирокчи сабаб ОФК томонидан тақдим этилган тўпларга эга клублар ЎзПФЛ мусобақаларида шу тўплардан фойдаланиши мумкин эмас.

**17.8.** Учрашув бошланишидан 90 дақиқа аввал клуб расмийси электрон қайдномага футболчиларнинг исми-фамилияси, рақамларини ўсиш тартибида ҳамда амплуасини, расмий шахсларнинг исми-фамилияси ва лавозимини лицензияда кўрсатилгани бўйича киритиш учун учрашув комиссарига футболчи ва расмий шахслар лицензиясини тақдим этиши лозим.

**17.9.** Мусобақа иштирокчилари учрашув қайдномасига 11 нафар асосий ва 7 нафар захира футболчисини киритиши мумкин. Шунингдек, қайдномадан ЎзПФЛ лицензияга эга бўлган 7 нафаргача расмий шахс жой олиши мумкин. Расмий шахслар орасида клуб шифокорининг бўлиши мажбурийдир. Захира ўриндиғига учрашув қайдномасида бўлмаган шахс қўйилмайди.

**17.10.** Учрашув қайдномасига дисквалификация қилинган футболчини киритган жамоага:

- ғалаба қозонса ёки ўйин дуранг билан якунига етса, унга техник мағлубият ёзилади ҳамда клубга ЎФА Интизом кодексига мувофиқ жарима солинади. Рақиб жамоага эса техник ғалаба ёзилади. Шу билан бирга, ушбу учрашувда урилган голлар бекор қилинади, олинган огоҳлантириш ва четлаштиришлар ўз кучида қолади;
- жамоа мағлуб бўлган тақдирда учрашув натижаси (голлар, огоҳлантириш ва четлаштириш) ўз кучида қолади, жамоага ЎФА Интизом кодексига мувофиқ жарима солинади;
- бундай ҳол такрорланса, ЎзПФЛ Ижроқўми қарори билан жамоа мусобақадан четлаштирилади;
- учрашув қайдномасига стадион ҳудудига етиб келмаган футболчини киритиш тақиқланади. Стадионга кечикиб етиб келган футболчини қайдномага учрашувга 20 дақиқа қолгунинг қадар киритиш мумкин. Бунинг учун клуб расмийси учрашув комиссарига мурожаат қилиши керак.

**17.11.** Майдон эгалари қайдномани биринчи бўлиб тўлдиради. Жамоа номидан қайдномани имзолашга учрашув қайдномасига киритилган бош мураббий ёки катта мураббий ҳақлидир. Ёшлар таркиблари ўртасидаги учрашувлар қайдномасини ушбу қайдномага киритилган, ёшлар таркиби билан ишлаш учун масъул бўлган жамоа мураббийи имзолаши керак.

**17.12.** Жамоа учрашувга белгиланган вақтдан кечикиб келса, ўйин комиссари майдон эгаси бўлган клуб раҳбарияти билан келишган ҳолда, учрашувни ўз вақтида ўтказиш учун барча чораларни кўриши зарур. Агар учрашувни белгиланган вақтда ўтказишнинг имкони бўлмаса, ЎзПФЛ комиссияси барча тафсилотларни ўрганиб чиқиб, сўнг ушбу учрашув бўйича қарор қабул қиласи. Жадвалда белгиланган учрашув кечиктирилишида айбор клуб ЎФА “Интизом кодекси”га мувофиқ жаримага тортилади. Жамоалардан бири ўйин бошланиш вақтидан 30 дақиқа кечикса, мазкур жамоага нисбатан техник мағлубият ёзилади.

**17.13.** Лицензия учрашувда иштирок этиш ва тегишли зонага кириш ҳуқуқини берувчи ягона ҳужжат ҳисобланади. Бунда лицензия эгаси учрашув қайдномасига киритилган бўлиши шарт. Суперлига ва Про лига клубларининг қолган расмий вакиллари фақатгина маҳсус рухсатномалар (VIP PASS, FOP ва ОА) орқали тегишли зонага қўйилади. Маҳсус рухсатнома учрашувдан бир кун олдин ўтказиладиган митинг давомида комиссар томонидан тегишли шахсларга тақдим этилади. Ўйинолди митингни ташкиллаштиришга маҳаллий координатор жавобгар ҳисобланади.

**17.14.** Жамоа расмий шахслари захирадаги футболчилар билан бирга техник зонадаги маҳсус ажратилган жойда бўлиши лозим. Меҳмон жамоа захира ҳакамининг ўнг томонида, мезбон чап томонида майдонга қараб жойлашади. Қайдномага киритилган шахсларнинг кўксидаги техник зонага

киришга рухсат берадиган лицензия бўлиши лозим. Эпидемиологик ҳолатларда ЎзПФЛ захира ўриндиқларини стадионнинг бошқа ҳудудига кўчиришга ҳақли.

**17.15.** Зарур ҳолларда учрашув қайдномасига киритилмаган таржимон техник зонага кириши мумкин. Бунда таржимон учрашув комиссаридан маҳсус рухсатнома олган бўлиши шарт.

**17.16.** Учрашув қайдномасига киритилган захира футболчиларидан фақат 6 нафариға ўз захира ўриндиғига яқин дарвоза ортидаги бурчак байроғи зонасида чигалёзди машқларини бажаришга рухсат берилади. Бунда жисмоний тайёргарлик бўйича мураббий иштирок этиши мумкин. Захирадаги футболчилар либоси майдондаги футболчилар ва ҳакамлар либосидан фарқланиши лозим. Бунда машғулот ўтказаётган футболчилар тўплардан фойдалана олмайди (дарвозабон бундан мустасно).

**17.17.** Захира ўриндиғида ўтирган шахслар томонидан тамаки ва бошқа турдаги маҳсулотларни чекиш ва спиртли ичимликлар истеъмол қилиш тақиқланади. Шунингдек, мобил алоқа воситаларидан фойдаланиш тақиқланади (маҳсус рухсат этилган радиоалоқа воситалари бундан мустасно).

Жамоа бosh мураббийи техник зонада шиппак, шорт ҳамда енгизи футболкада бўлиши тақиқланади.

**17.18.** Учрашувлар ЎзПФЛ томонидан белгиланган муддат ва вақтларда ўтказилади. Уларнинг вақти (кун ва соат) қўйидаги ҳолларда ўзгартирилиши мумкин:

- олдиндан тахмин қилишнинг имкони бўлмаган форс-мажор вазият ва ҳодисаларнинг юзага келиши натижасида учрашувни ўтказиш, бошлаш, давом эттириш, қайта бошлаш ва тугатиш имкони бўлмаганида. Бундай ҳодисалар қаторига авария, ёнғин, сув тошқин, зилзила, эпидемиологик ва бошқа табиий оғатлар, шунингдек, мусобақа ташкилотчилари ва футболчиларга боғлиқ бўлмаган ҳар қандай бошқа тафсилотлар киради. Бундай ҳолатларда учрашувнинг қачон давом эттирилиши масаласи ЎзПФЛ томонидан белгиланади. Унинг қай тартибда давом этиши “Футбол ўйини қоидалари–2021” асосида тартибга солинади;
- мусобақа жадвалига ЎзПФЛ томонидан ўзгартириш киритилганида.

**17.19.** Электр ёритиш тизими ишдан чиқиши ёки электр ёритиш тизимидағи муаммо бир соат ичидаги бартараф этилмагани учун учрашувни бошлаш, давом эттириш, қайта бошлаш ва тугатиш имкони бўлмаса, стадионнинг техник ҳолати ва электр ёритиш тизими ишдан чиқиши сабаби билан майдон эгаси бўлган клубга техник мағлубият ёзилади.

## **18-боб. Футбол клублари, клублар раҳбарлари ва футболчиларнинг мажбурияти**

**18.1.** Футбол клублари ўзларининг ушбу Регламентда белгиланган мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

**18.2.** Футбол клублари, клублар раҳбарлари, расмий шахслари, футболчилар ва клубларнинг мусобақаларда иштирок этувчи бошқа ходимлари (кейинги ўринларда — клуб расмий шахслари) юқори даражадаги интизом, тартибилик, уюшқоқлик, ўзаро ва томошабинларга нисбатан ҳурматни намойиш этиб, ушбу Регламентнинг барча талабларига риоя қилишлари шарт.

**18.3.** Клуб ўз жамоаси аъзоларининг хулқ-атвори учун бевосита масъулдир. Улар учрашув комиссари, инспектори ва ҳакамларининг (кейинги ўринларда — учрашув расмий шахслари) ҳаракатларига аралашиши тақиқланади.

**18.4.** Футбол клублари ўзларининг томошабинлари (жамоа мухлислари), шунингдек, клуб номидан бирор-бир учрашувда муайян вазифани бажараётган ҳар қандай шахс хулқи учун ҳам жавобгардир.

**18.5.** Клублар расмийлари ҳамда стадион расмийлари учрашув ўтказилиши билан боғлиқ зарур ташкилий масалаларни ҳал этиш учун масъулдир. Улар учрашув хавфсизлиги ҳамда тез тиббий ёрдам учун масъул органлар билан ҳамкорликда учрашувдан олдин, учрашув давомида ва учрашувдан кейин стадионда, унга туташган ҳудудда интизом ҳамда жамоатчилик тартибини сақлаш учун барча зарур чораларни кўришлари шарт.

**18.6.** Футбол клублари ўзига нисбатан чиқарилган огоҳлантириш ва четлатишларни қайд этиш журналига эга бўлиши керак. Дисквалификацияси бор футболчининг майдонга туширилгани учун клуб бевосита жавобгар ҳисобланади.

**18.7.** Футбол клублари халқаро турнир ёки хориждаги ўқув-машғулот йиғинларининг муддати ва жойи аниқ бўлиши билан бу ҳақда ЎзПФЛни хабардор қилишлари шарт.

**18.8.** Мезбон жамоа Мусобақаларнинг расмий календарь учрашви бошлангунга қадар 20 кундан кеч бўлмаган муддатда ЎзПФЛ маъмуриятига учрашувнинг бошланиш вақти борасида таклиф бериши зарур. ЎзПФЛ учрашув вақтини телетрансляция ҳуқуқини қўлга киритган компания билан келишиб белгилайди.

**18.9.** Клуб учрашув санасини ўзгартирмоқчи бўлса, тегишли сўров батафсил асосланган ёзма шаклдаги мурожаат билан календарь бўйича режалаштирилган муддатдан камида 20 кун олдин ЎзПФЛга юборилиши зарур.

**18.10.** Суперлига, Про лига ҳамда Ўзбекистон кубоги мусобақаларида клублар учрашув стартига 24 соат вақт қолгунича учрашувда иштирок этиши мумкин бўлган 23 кишилик кенгайтирилган рўйхатни ЎзПФЛга тақдим

етилиши керак. Мазкур рўйхатда акс этмаган футболчи учрашувга қўйилмайди. Эпидемиологик вазият билан боғлиқ ҳолатда тиббий тест натижаларини тақдим этмаган футболчи ва расмийлар учрашув қайдномасига киритилмайди.

**18.11.** Футбол клублари учрашув бошланишининг расмий вақтидан камида 90 дақиқа олдин стадионга етиб келишлари шарт.

**18.12.** Учрашув мезбони бўлган клубга қўйидаги мажбуриятлар юклатилади:

- меҳмон жамоанинг тегишли даражадаги меҳмонхонадан ўрин-жойлар билан таъминлашига кўмаклашиш;
- ҳакамлар бригадасини кийиниш хонасидан майдонга чиқишгача ва майдондан чиқишдан кийиниш хонасигача, шунингдек, ўйиндан олдин, ўйиндан кейин ҳамда танаффус пайтида камида 2 кишидан иборат жамоат тартибини сақлаш органлари ходимларининг кузатуви билан таъминлаш;
- ҳакамлар хонасида бегона шахсларнинг бўлишига йўл қўймаслик (учрашувда ишлайдиган ҳакамлардан ташқари ушбу хонага ЎзПФЛ комиссари ва у томонидан рухсат этилган шахсларгагина кириш учун изн берилади);
- расмий учрашув учун ЎзПФЛ томонидан тақдим этилган камида 8 та тўп тақдим этиш;
- тўпларни узатиб туриш учун умумий сони ўнтадан кам бўлмаган ва 12 ёшдан (эпидемиологик шароитда 18 ёшдан) кичик бўлмаган, либоси майдондаги жамоалар ва ҳакамларнинг кийимидан фарқланадиган ёш футболчилар гурухини (кейинги ўринларда – ballboy) тақдим этиши (учрашув комиссари ЎзПФЛ байроғи билан боғлиқ ёки бошқа топшириқлар юзасидан мезбон жамоадан қўшимча ёш футболчилар гурухини талаб қилиши мумкин);
- ballboулар ЎзПФЛ томонидан тақдим этилган устки либосларни кийган бўлиши ҳамда тақдим этилган воситалардан фойдаланиши керак;
- Мусобақаларда ЎзПФЛ мадҳияси комиссар белгилаб берган вақтда қўйилиши шарт.

**18.13.** Мезбон жамоа меҳмон жамоага қўйидагиларни бепул тақдим этади:

- спортчиларни учрашув ўtkазиладиган шаҳар доирасида вокзал ёки аэропортдан меҳмонхонагача боришлари, қайтишлари, машғулотлар ўтадиган кунларда меҳмонхонадан стадионгача боришлари ва қайтишлари учун камида 42 ўринли замонавий автобус;
- расмий учрашув олдидан бир марта машғулот ўтказиш учун мусобақа ўтадиган стадионнинг футбол майдонини;

- расмий учрашув олдидан ўтказиладиган машғулот давомийлиги машғулот жараёнигача бўлган тадбирлардан ташқари 60 дақиқани ташкил қилиши керак. Бунда машғулотнинг майдон қопламаси сифатига таъсири ЎзПФЛ комиссари ҳамда учрашув бош ҳаками томонидан баҳоланади;
- меҳмон жамоа уйига қайтиши учун чипталарни бронь қилишда кўмаклашиш;
- меҳмон жамоа учрашувгача ўн кундан кам бўлмаган муддатда мезбон жамоага ўзининг келиш санаси, делегация аъзоларининг сони, машғулотлар вақти ҳақида хабар бериши зарур (форс-мажор ҳолатлари бундан мустасно). Бу талаб ўз вақтида бажарилмаган тақдирда жойлашув борасидаги эътиrozлар қабул қилинмайди. Меҳмон жамоани қабул қилишни ташкил этишга оид эътиrozлар юзага келган ҳолда меҳмон жамоа раҳбари рапорт ёзиб, ЎзПФЛ маъмуриятига мурожаат қилиши мумкин.

**18.14.** Мезбон жамоа учрашув расмий шахсларини шаҳар доирасида вокзал ёки аэропортдан меҳмонхонагача боришлари ва қайтишлари, машғулотлар ўтадиган кунлари меҳмонхонадан стадионгача боришлари ва қайтишлари учун транспорт билан таъминлаши керак.

**18.15.** Мусобақаларда (финал ҳамда ўтиш ўйинлари бундан мустасно) ўз иш мажбуриятларини олиб борадиган учрашувнинг расмий шахсларига (VAR тизими мутахассислари бундан мустасно) икки томонга йўлкира, яшаш жойи ва овқатланишини таъминлаш мезбон жамоа ҳисобидан амалга оширилади. Агар учрашув расмийлари бошқа мамлакат ассоциациясидан жалб этилса, уларнинг йўл билан боғлиқ харажатлари ташаббус билдирган томондан амалга оширилади. Хорижий ҳакамларни кутиб олиш, уларнинг яшаш жойи ва овқатланишини таъминлаш мезбон жамоа ҳисобидан амалга оширилади. Финал, ўтиш ўйинлари, шунингдек, VAR тизими мутахассисларининг барча харажатлари ЎзПФЛ томонидан амалга оширилади.

**18.16.** Мезбон жамоа (ЎзПФЛ талабига кўра меҳмонлар ҳам) ўйин тугаши билан 2 соат ичида ЎФА инспекторига ҳамда 2 кун муддат ичида ЎзПФЛга учрашувнинг рақамли шаклдаги видеоёзувини талаб қилинган форматда тақдим этиши шарт. Бунда жамоаларнинг майдонга чиқиш пайтидан то кийиниш хонасига қайтишларигача шартли равища таймер ёқилган ҳолда бутун учрашув давомида узлуксиз суратга туширилиши зарур.

**18.17.** Фавқулодда ҳолатларда ҳамда эпидемиологик вазиятларда мусобақаларнинг ташкилий масалалари қўшимча Регламент билан тартиби солинади.

**18.18.** Регламентта риоя қилмаганлиги учун футбол клубларига нисбатан ЎФАНИНГ “Интизом кодекси”га мувофиқ ЎзПФЛ томонидан жарима санкциялари қўлланилади.

### **19-боб. Мусобақа иштирокчиларининг либосларига қўйиладиган талаблар**

**19.1.** Мусобақа иштирокчиларининг футболкасиға футбол клубининг рамзи туширилади. Рамзниң ўлчамлари  $100 \text{ см}^2$  бўлиб, у футболканинг тепа қисми чап тарафида жойлашади. Клуб ҳар бешинчи чемпионлик мақомига эга бўлганида клуб рамзининг тепа қисмida бир дона олтин юлдуз рамзини акс эттириш ҳуқуқига эга.

**19.2.** Футболканинг ўнг енгидаги ЎзПФЛ логотипи, чап енгидаги эса ЎзПФЛ томонидан тақдим этилган Мусобақа титул ҳомийсининг рамзи бўлиши лозим.

**19.3.** Футболка орқа томонининг тепа қисмida ЎзПФЛ лицензияси ва ариза варақасида кўрсатилган (баландлиги 5–8 см. “Jersey M54” шрифтида) футболчининг фамилияси (исм ёки таҳаллуси) акс этган ёзув ҳамда футболчининг лицензиясида кўрсатилган футболка рақами (баландлиги 25–35 см “Jersey M54” шрифтида) бўлади. Шортининг ўнг томонида футболчининг футболкасидаги рақам акс эттирилади (баландлиги 10–15 см).

Аралаш рангли футболкада фамилия (исм ёки таҳаллус) ва рақам алоҳида рангдаги тўғри тўртбурчак ёки футболка рангларига пропорционал рангда кўрсатилади. Футболчининг фамилияси (исм ёки таҳаллус) ва рақами ёзуви бир хил рангда бўлиб, стадиондаги мухлислар, телетомошибинлар ва ОАВ вакиллари ўқиши учун осон бўлиши тавсия этилади. Бунда U-21, U-18 ҳамда фарм-клуб жамоаларининг формаси асосий жамоа формаси билан бир хил бўлиши талаб этилади. Шунингдек, U-21, U-18, фарм-клуб ҳамда асосий таркиб футболчиларининг рақами бир-бирини тақрорламаслиги лозим. Яъни, асосий таркибда майдонга тушмоқчи бўлган U-21, U-18, фарм-клуб аъзосида бошқа янги либосга эҳтиёж қолмаслиги керак.

**19.4.** Футболчининг футболкадаги фамилияси ўзбек тилида лотин ёзувида кўрсатилиши лозим. Халқаро майдонда ўйнайдиган клубларгагина фамилияни (исм ёки таҳаллус) инглиз тилида ёзишга рухсат берилади.

**19.5.** Клублар рўйхатдан ўтиш олдидан ЎзПФЛга янги мавсум учун либосларнинг 3D форматини тақдим этиши, Мусобақа стартига 10 кун вақт қолгунича футболчилар ва дарвозабонлар либосларининг асосий ва резерв ранглари ҳақида тўлиқ ахборот тақдим этиши лозим.

**19.6.** ЎзПФЛ Суперлига, Про лига, Ўзбекистон кубоги учун жамоалар либосларининг рангини белгилайди.

**19.7.** Дарвозабон либоси иккала жамоа футболчилари ва ҳакамлар либосидан фарқланиши лозим.

### **20-боб. Футбол клубларининг ОАВ билан ишлашига оид талаблар**

**20.1.** ЎзПФЛ бош ахборот ҳамкорини белгилаш ҳуқуқига эга.

**20.2.** Футбол клуби ўз расмий сайтига эга бўлиши шарт.

**20.3.** Матбуот хизмати бошқа клуб, шунингдек, ЎзПФЛга алоқадор маълумотни рухсатсиз чоп этишга ҳақли эмас. Ушбу талабга риоя этмаслик интизомий санкция қўлланилишига асос бўлади.

**20.4.** Клублар матбуот хизмати ўз уйида ўтказилган учрашувлардан фотосуратларни ЎзПФЛ матбуот хизмати талабига кўра тақдим этиши лозим.

**20.5.** Дарвозалар чизифи ортида фақат аккредитациядан ўтган, махсус нимча кийган теле ва фотомухбирлар туришига рухсат берилади. Уларнинг учрашув давомида ҳаракатланиши тақиқланади.

**20.6.** Суперлига ва Про лига клублари бош мураббийлари учрашувдан кейинги матбуот анжуманида иштирок этишлари шарт. Учрашув тугаганидан кейин 15 дақиқа оралиғида мағлуб бўлган ёки меҳмон жамоа биринчи бўлиб матбуот анжуманига таклиф этилади.

**20.7.** Футболчи ва мураббийлар учрашувдан олдин ва кейин бўладиган флеш-интервьюда иштирок этиши шарт. Трансляция ҳуқуқини қўлга киритган компания учун флеш-интервью беришдан бош тортган футболчи ёки мураббий клубига нисбатан жарима қўлланилади.

**20.8.** Клуб матбуот хизмати учрашувдан кейинги матбуот анжуманларини ўтказиш учун масъул ҳисобланади.

**20.9.** Матбуот хизмати вакили жамоа иштироқидаги сафар учрашувларига бориши ва матбуот анжуманларида қатнашиши шарт.

### **21-боб. Лига мусобақаларини ўтказиш формати**

#### **21.1. Суперлига ва U-21 чемпионати.**

Суперлига ва U-21 чемпионатлари жами 26 турдан иборат икки даврали тизимда ўтказилади. Бунда ҳар бир клуб 13 та уй ва 13 та сафар учрашувида иштирок этади. Бунда:

- U-21 чемпионати учрашувлари асосий таркиблар иштироқидаги учрашувидан бир кун олдин ўтказилади;
- Суперлигада 13 ва 14-ўринни эгаллаган жамоалар 2022 йилги мавсумни Суперлигада ўтказиш имкониятини йўқотади ва қўйи лигага туширилади;

- Суперлигада 12-ўринни эгаллаган жамоа эса Суперлигадаги ўрнини сақлаб қолиш учун Про лиганинг 3-ўрнидаги жамоасига қарши ўтиш ўйинида иштирок этади;
- ўтиш ўйинига Про лигада учинчи бўлган клуб майдони мезбонлик қилади.

### **21.2. U-18 чемпионати.**

Суперлига ва Про лига клубларининг U-18 жамоалари U-18 чемпионатида биргаликда иштирок этади. Бунда ҳар бир жамоа бир-бирига қарши ўзаро бир мартадан майдонга тушади. Чемпионатнинг уй-сафар ўйинлари бергер тизимига кўра ташланган қуръа орқали аниқланади.

### **21.3. U-16 ва U-14 чемпионатлари.**

Мазкур ёшдаги жамоалар иштирокидаги чемпионат формати иштирокчи жамоалар сонидан келиб чиқиб, алоҳида Низом билан тартибга солинади.

### **21.4. Про лига.**

Про лига жами 28 турдан иборат икки босқичли ва тўрт даврали тизимда ўтказилади. Биринчи босқичда 10 та клуб 9 та уй ва 9 та сафар (икки давра) — жами 18 та тур учрашувда майдонга тушади. 18-турдан кейин жадвал тенг икки қисмга бўлинади. Бунда юқори бешлик Суперлига йўлланмаси учун курашни давом эттиради ҳамда ҳар бир клуб ўзаро яна 4 та уй ва 4 та сафар (яна икки давра) — жами 8 та учрашувда майдонга тушади. Қуий бешлик Про лигадаги ўрнини сақлаб қолиш учун курашни давом эттиради ҳамда ҳар бир клуб ўзаро 4 та уй ва 4 та сафар (яна икки давра) — 8 та учрашувда майдонга тушади. Шунда Про лиганинг барча иштирокчилари умумий 26 тадан ўйин ўтказади. Шунингдек:

- Про лига мусобақаси натижасига кўра 1-2 ўринни эгаллаган жамоалар Суперлигага тўғридан-тўғри йўлланмани қўлга киритади;
- Про лигани сўнгги ўринда якунлаган жамоа 2022 йилги мавсумни Про лигада ўтказиш имкониятини йўқотади ва қуий лигага туширилади;
- Про лигада 9-ўринни эгаллаган жамоа эса Про лигадаги ўрнини сақлаб қолиш учун Биринчи лиганинг 2-ўриндаги жамоасига қарши ўтиш ўйинида иштирок этади;
- ўтиш ўйинига Биринчи лигада иккинчи бўлган клуб майдони мезбонлик қилади.

### **21.5. Биринчи лига.**

Биринчи лига мусобақаси формати иштирокчи клублар сони аниқ бўлгач, мазкур Регламентнинг шу бандига киритилган ўзгартириш асосида тартибга солинади.

### **21.6. Аёллар Олий лигаси:**

10 та жамоа икки босқич ўйинларида иштирок этади:

- биринчи босқич уй-сафар тизимида жами 18 та турни ташкил этади. Бунда ҳар бир жамоа 9 та уй ва 9 та сафар учрашувида иштирок этади;
- иккинчи босқичда биринчи босқич якунига кўра, 1–5 ўриндаги жамоалар ўзаро ва 6–10 ўриндаги жамоалар ўзаро бир давра давомида кураш олиб боради. Жамоаларнинг ўйинларни уй ёки сафарда ўтказиши бергер жадвали асосидаги қуръя билан аниқлаб олинади. Якунда аёллар Олий лигасининг барча иштирокчилари умумий 22 учрашувда майдонга тушади (23 та тур);
- Олий лигада 10-ўринни эгаллаган клуб 2022 йилни Биринчи лигада ўтказади.

### **21.7. Аёллар Биринчи лигаси.**

5 та жамоа иштирок этади. Мусобақа марказлашган ҳолда ўтади ва у 5 турдан иборат бўлади. Бунда ҳар бир иштирокчи жамоа мусобақанинг битта марказлашган турига мезбонлик қиласди. Мусобақа якунига қадар ҳар бир клуб жами 8 тадан учрашувда майдонга тушади. Бунда:

- турларда барча ташкилий ишлар билан боғлиқ сарф-харажатлар мезбон жамоа зиммасига юкланди;
- Биринчи лигада 1-ўринни эгаллаган клуб 2022 йилни Олий лигада ўтказади.

### **21.8. U-16 чемпионати (аёллар):**

22 та жамоа икки босқич ўйинларида иштирок этади:

- биринчи босқич 5 та минтақага бўлинган ҳолда ўтказилади. Бунда жамоалар ўзаро икки мартадан уй-сафар тизимида баҳс олиб боради. Ҳар бир групдан энг яхши натижа кўрсатган 2 тадан жамоа – жами 10 та жамоа иккинчи босқичга йўл олади;
- иккинчи босқичда 10 та жамоа қуръя ташлаш йўли билан икки групга бўлинади. Групнадаги 5 тадан жамоа марказлашган мусобақада ўзаро бир мартадан – жами 5 та ўйинда майдонга тушади. Групда эгаллаган ўрнига кўра жамоа иккинчи групнинг шу ўрнини эгаллаган жамоага қарши битта ўйинда иштирок этади. Яъни, групнадаги 1–2 ўринларни аниқлаш учун, групнадаги иккинчи бўлган жамоалар 3–4 ўринларни аниқлаш учун ва шу кетма-кетликда кейинги ўринлардаги жамоалар 5–10 ўринларни аниқлаш учун ўзаро учрашувларда иштирок этади.

## **22-боб. Кубок мусобақаларини ўтказиш формати**

### **22.1. Ўзбекистон кубоги.**

Ўзбекистон кубоги мусобақасида Суперлига ва Про лига клублари иштирок этади. Биринчи лига жамоалари мазкур мусобақага саралаш учрашувлари орқали қўшилади. Суперлига ёки Про лига клублари қошида

ташкил этилган фарм-клублар Ўзбекистон кубоги мусобақасида иштирок эта олмайди. Бунда:

- Мусобақанинг гуруҳ босқичида 24 жамоа иштирок этади. Жамоалар 6 гуруҳга ажратилади ва гуруҳларнинг ҳар бири 4 жамоадан ташкил топади;
- Мусобақанинг барча учрашувлари фақатгина бир марта ўтказилади. Гуруҳ босқичи ўйинлари 45 дақиқадан икки таймдан иборат бўлади. Саралаш ва гуруҳ босқичидан кейинги плей-офф ўйинларида ғолибни дастлабки 90 дақиқа ичидан аниқлашнинг имкони бўлмаса, ҳар бири 15 дақиқадан иборат икки қўшимча таймлар белгиланади. Шунда ҳам ғолиб аниқланмаса, навбат “Футбол қоидалари–2020/21” асосида пенальтилар сериясига берилади;
- Суперлига ва Про лига клублари Мусобақанинг гуруҳ босқичига тўғридан-тўғри йўлланмани қўлга киритади. Осиё Чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритган клублар эса иштирокини мусобақанинг 1/8 финал босқичидан бошлайди;
- ҳалқаро майдонда тўп сурадиган ҳамда Суперлига ва Про лиганинг Ўзбекистон кубогида иштирок эта олмайдиган жамоаларининг умумий сонидан келиб чиқиб, Биринчи лига клублари иштирокида ўтказиладиган саралаш ўйинлари орқали Мусобақанинг гуруҳ босқичи иштирокчилари сони 24 тага етказилади;
- 6 гуруҳ якунларига кўра, ҳар бир гуруҳда дастлабки икки ўринни қўлга киритган клублар 1/8 финал иштирокчисига айланади;
- 1/8 финал босқичига тўғридан-тўғри йўлланма олган клублар сонидан келиб чиқиб, гуруҳларда 3-ўринни эгаллаган нечта клубнинг 1/8 финалга йўл олиши аниқлаб олинади;
- гуруҳларда ҳар бир жамоа 3 тадан ўйинда иштирок этади. Гуруҳ ўйинлари якунига кўра турнир жадвали мазкур Регламентнинг 23-боби билан тартибга солинади;
- гуруҳда мезбон ва меҳмон мақомини олдиндан кўрсатилган формат бўйича қуръа аниқлаб беради. Қуръа натижасига кўра, гуруҳдаги жамоалардан иккитаси икки уй ва бир сафар учрашувида, яна иккитаси эса бир уй ва икки сафар учрашувида иштирок этади;
- плей-офф босқичи жуфтликлари қуръа ёрдамида аниқланади. Плей-офф комбинацияси қуръа олдидан тақдим этилади ва Мусобақа якунига қадар ўзгармайди;
- Ўзбекистон кубогининг финал учрашувига мезбонлик қилиш истагини билдирган стадионлар гуруҳ босқичига қуръа ташлангунга қадар алоҳида ариза билан ЎзПФЛга мурожаат қилишлари лозим. Ўзбекистон

кубоги учун қуръа маросими олдидан финал ўйини ўтадиган стадион қуръа орқали аниқлаб олинади;

- Ўзбекистон кубогининг финал учрашувига мезбонлик қилиш бўйича аризалар келиб тушмаса, финал стадиони ЎФА томонидан аниқлаб берилади.

## **22.2. Аёллар ўртасида Ўзбекистон кубоги.**

Ўзбекистон кубоги мусобақасида Олий лига ҳамда Биринчи лиганинг 15 та жамоаси ғолиблик учун кураш олиб боради. Бунда:

- мағлуб бўлган жамоа мусобақани тарк этади;
- кубок беллашувлари 1/8 финалдан бошланади. Ўзбекистон кубогининг амалдаги соҳиби кубок мусобақасига 1/4 финал босқичидан қўшилади;
- кубок учрашувлари фақатгина 1 та учрашувдан иборат бўлади. Мезбон жамоалар номига қуръа ташлаш йўли билан ойдинлик киритиб берилади;
- кубок учрашувларининг асосий вақти дуранг билан якунига етса, 15 дақиқадан икки қўшимча таймлар белгиланади. Шунда ҳам ғолибни аниқлашнинг имкони бўлмаса, навбат пенальтилар сериясига берилади.

## **22.3. Ўзбекистон Суперкубоги.**

Янги мавсум аввалида Ўзбекистон чемпиони ҳамда Ўзбекистон кубоги соҳиби ўртасида Суперкубок учрашуви ўтказилади. Агар бир клуб ҳам чемпионликни, ҳам Ўзбекистон кубогини қўлга киритса, у ҳолда Суперкубок учрашувида Суперлиганинг (аёллар Олий лигасининг) дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоа ўзаро кураш олиб боради. Бунда:

- Суперкубок учрашуви нейтрал майдонда бўлиб ўтади;
- Суперкубокда мамлакат чемпиони автоматик равишда мезбон мақомида бўлади;
- Суперкубок учрашувларининг асосий вақти дуранг билан якунига етса, 15 дақиқадан икки қўшимча таймлар белгиланади. Шунда ҳам ғолибни аниқлашнинг имкони бўлмаса, навбат пенальтилар сериясига берилади.

## **22.4. Лига кубоги.**

Лига кубоги мусобақаси формати иштирокчи клублар сони аниқ бўлгач, мазкур Регламентнинг шу бандига киритилган ўзгартириш асосида тартибга солинади.

Лига кубогининг ўтиш ёки ўтмаслиги эпидемиологик шароит ҳамда у келтириб чиқариши мумкин бўлган муаммолар ўрганилганидан кейингина алоҳида ҳал этилади.

## **23-боб. Мусобақа ғолибларини аниқлаш**

**23.1.** Жамоаларнинг мусобақадаги ўринлари тўпланган очколар йиғиндисига кўра аниқланади. Учрашувдаги ғалаба учун 3 очко, дуранг учун 1 очко, мағлубият учун 0 очко ёзилади.

**23.2.** Иккита ва ундан кўп жамоалар тўплаган очколар тенг бўлиб қолса, жамоаларнинг ўрни қўйидагича аниқланади:

- ўзаро учрашув(лар) натижасига кўра (олинган очколар, урилган ва ўтказиб юборилган тўплар фарқи, урилган тўплар, рақиб майдонида урилган тўплар нисбати);
- юзма-юз учрашув(лар)да техник мағлубиятга учраган жамоа(лар) энг қуий ўринни эгаллайди;
- барча учрашувларда урилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбатига кўра;
- барча учрашувларда киритилган голлар сонига кўра;
- барча учрашувларда эришилган ғалабалар сонига кўра;
- сафар ўйинларида эришилган ғалабалар сонига кўра;
- барча учрашувларда рақиблар майдонида урилган тўпларнинг сонига кўра;
- мазкур кўрсаткичларнинг ҳаммаси тенг бўлса, клубларнинг U-21 жамоалари натижасига эътибор қаратилади. Агар вазият чемпионни ёки ОФК Чемпионлар лигасида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган ўринларни аниқлаб берадиган бўлса, бетараф майдонда “олтин” учрашув ўтказилади.

**23.3.** Мусобақа иштирокчилари учун ЎзПФЛ матбуот хизмати томонидан тарқатиладиган материаллар мусобақаларнинг давом этиши ва натижаларини акс эттирадиган расмий маълумот ҳисобланади.

#### **24-боб. Мусобақа ғолибларини тақдирлаш**

**24.1.** Ўзбекистон Суперкубогида ғолиб бўлган клубларга Суперкубок топширилади.

**24.2.** Ўзбекистон кубогида ғолиб бўлган клубларга маҳсус Ўзбекистон кубоги топширилади.

**24.3.** Ўзбекистон Лига кубогида ғолиб бўлган клубга Лига кубогининг маҳсус соврини топширилади.

**24.4.** Финал учрашувларида ишлаган ҳакамлар бригадаси ЎзПФЛ маҳсус нишони билан тақдирланади.

**24.5.** Ўзбекистон Суперлигасида 1-ўринни эгаллаган клубга Ўзбекистон чемпиони учун аталган кубок ҳамда 50 дона “олтин” медаллар тақдим этилади.

**24.6.** Агар чемпион муддатдан олдин аниқланса, кубок ҳамда медаллар клубга кейинги расмий уй ёки сафар учрашувида топширилади.

**24.7.** Ўзбекистон Суперлигасида иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган клубларга 50 дона “кумуш” ва “бронза” медаллар топширилади.

**24.8.** U-21 чемпионатида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган клубларга 35 донадан “олтин”, “кумуш”, “бронза” медаллари берилади.

**24.9.** Про лигада 1-ўринни эгаллаган клубга Про лига кубоги тақдим этилади.

**24.10.** U-18 чемпионатида дастлабки уч ўринни қўлга киритган клубларга 35 донадан “олтин”, “кумуш” ва “бронза” медаллари берилади.

**24.11.** Аёллар Олий лигасида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган клубларга 35 донадан “олтин”, “кумуш”, “бронза” медаллари берилади. Чемпион жамоа кубок билан тақдирланади.

**24.12.** Аёллар Биринчи лигасида ғолиб бўлган жамоага биринчиликнинг кўчма кубоги берилади.

**24.13.** U-16, U-14 ҳамда аёллар U-16 чемпионатларида дастлабки уч ўриндан жой олган жамоаларга мос равишда 30 донадан “олтин”, “кумуш” ҳамда “бронза” медаллари тақдим этилади.

**24.14.** Тақдирлаш атрибутикалари ЎзПФЛ ҳисобидан тайёрланади.

UZBEKISTAN  
PROFESSIONAL FOOTBALL  
LEAGUE